O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Milliy Tiklanish

Gazeta 1995 yil, 10 iyundan chiqa boshlagan

Gazeta har oyda 2 marta sechanba kuni chiqadi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining gazetasi

2003 yil, 7 oktabr

8 (280) son

Жаҳолат нимадан қўрқади?
2-бет

3-бет
ИККИ ТОМОННИНГ БИРИ — ... МАРҲУМА
ҒОЗҒОН МАРМАРИ

МОЯНА
Ёки «тошмасин деб ташияпман»

"ЭПИДЕМИЯ"НИНГ ЎЗБЕКЧАСИ НИМА?
4-бет

"МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ПАРТИЯСИ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИ КЎРГАЗМАЛАРИ НАМОЙИШ ҚИЛИНМОҚДА

Партия ҳаёти

ЎзМТДП ҳамда Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейи ҳамкорликда "Миллий тикланиш" партияси санъат галереясини ташкил эта бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ, шунга қарамай жойларда намойиш қилинаётган бир неча кўргазмалар мухлислар эътиборини қозониб улгурди. "Обод маҳалла" йилига бағишланган ушбу тадбирнинг илк тақдимоти "Обод маҳалла ва умумбашарий қадриятлар" деб номланиб, кўргазма шу йил май ойида хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти кенгаши биносида бўлиб ўтган эди. Унда миллий қадриятлар ва анъаналар, маҳалла мавзусидаги ранг тасвир, графика ва халқ амалий санъати намуналари намойиш қилинди. Ўзбек хонадони, урф-одатларимиз, маҳалла ҳаётининг гўзал тасвирларини рассомлар рангин буёқларда мукаммал акс эттириши билан томошабинлар эътиборини жалб этди. Баҳодир Жалолов, Абдуманнон Юнусов, Собир Раҳметов, Анвар Мирсоатов, Гулзор Султонова ва бошқа кўплаб таниқли мусаввирлар яратган миллий руҳдаги санъат асарлари кўргазма моҳиятини ёрқинроқ намоён қилди. Аброр Турсунов, Хайриддин Муҳиддинов, Шорасул Шоаҳмедов, Музаффар Пўлатов, Шамсиддин Рисқиев каби миниатюрачи мусаввирларнинг К. Беҳзод музейи коллекциясида сақланаётган асарлари ҳам кўргазманинг ранг-баранг бўлишида алоҳида аҳамият касб этди.

Айни пайтда "Миллий тикланиш" партияси санъат галереясини нафақат пойтахтимизда, балки узоқ туман ва қишлоқларда ҳам ташкил этишга қаратилган аниқ режалар белгиланмоқда. Партиямиз мафкурасининг ўзаги бўлган миллий ўзликни англаш тушунчаси мазмун-моҳиятини хусусан, тасвирий санъат асарлари орқали ҳам кишиларимизга етказиш ҳамда ушбу санъат галереясини кенг халқ оммаси ичига кириб боришида ижодкор рассомлар ҳар томонлама қўллаб-қувватлашларини билдиришмоқда. Кўргазмаларда иштирок этаётган хорижлик меҳмонлар, дипломатик корпус вакиллари, партия етакчилари, барча мухлислар ва кенг жамоатчилик ушбу хайрли ишга яхши баҳо бериб, унинг мазмун-моҳияти халқимиз руҳига яқинлигини, кишилар миллий тафаккурига ижобий таъсир қилишини таъкидлашди.

Санъат галереяси навбатдаги кўргазмасининг Тошкент вилояти Зангиота туманида ташкил этилганлиги ҳам бежиз эмас. Ўзбек рассомлик санъатида ўзига хос ўрин тутган Раҳматуллаевлар оилавий сулоласига бағишланган бу кўргазма ва ижодий учрашувда ЎзМТДП Марказий ҳайъати раиси И. Ғафуров, партиянинг етакчи фаоллари Ш. Салимова, О. Ҳожиева, О. Қозоқовлар иштирок этишди ва сўзга чиқишди. Улар партиянинг бугунги кундаги ҳаёти, қилинаётган ишлар ва келгусидаги режалар ҳақида сўзлаб, йиғилганлар билан дилдан суҳбатлашдилар. Сўлим боғда ташкил этилган кўргазмада мухлислар Зангиота туманида туғилиб, бетакрор ижоди билан миллий санъатимиз ривожига ҳисса қўшаётган Раҳматуллаевлар оилавий сулоласининг ижод намуналари билан танишдилар. Таниқли мусаввир Фахриддин Раҳматуллаевнинг ёғоч ўймакорлигига доир асарлари билан биргаликда сулоланинг ибратли анъанасини давом эттираётган ёш ижодкорларнинг асарлари ҳам томошабинларда катта таассурот уйғотди, оила аъзолари билан бўлган ижодий мулоқот, савол-жавоблар қизиқарли ўтди. Кўргазма давомида Зангиота туман "Ҳосил" фолклор ансамблининг чиқишлари ҳам ушбу тадбирга янада файз бағишлади.

Мазкур тадбирда Зангиота тумани ҳокими Акмал Исабоев сўзга чиқиб самимий учрашув ва санъат кўргазмаси ташкилотчиларига миннатдорчилик билдирди.

"Миллий тикланиш" партияси санъат галереясини олий ўқув юртларида, турли билим даргоҳларида ҳам намойиш этиш кўзда тутилган. Шундай тадбирлардан бири Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатия университетида ҳам бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП идеология ишлари бўйича котиби, таниқли рассом Ортиқали Қозоқовнинг йигирмага яқин асарлари талабалар ва устозлар эътиборига ҳавола қилинди. Кўргазмада ЎзМТДП Марказий ҳайъати раиси И. Ғафуров, партия етакчилари таниқли ижодкорлар Ўткир Ҳошимов, Шарифа Салимова, Хуршид Дўстмуҳаммад, "Миллий тикланиш" газетаси Бош муҳаррир ўринбосари Д. Маткаримовалар иштирок этишиб, талабалар билан ўзаро қизиқарли мулоқотда бўлдилар. Рассом ижодига оид савол-жавоблар кўргазма мазмунини янада тўлдирди. Энг яхши савол муаллифларига мусаввир ўз дастхати ёзилган албомларни совға қилди. Университетда ўтказилган ушбу тадбир ёшларни партия ғоялари билан таништириш, уларни партияга жалб этишда миллий санъатимиз аҳамиятини ёрқинроқ кўрсатди. Учрашув сўнггида мусаввир ўзи яратган асарлардан бирини университетга ҳадя қилди. Университет биринчи проректори Адҳам Бекмуродов О. Қозоқовга университетнинг эсдалик нишонини топширди.

"Миллий тикланиш" партияси санъат галереясига мухлислар қизиқишининг ортиб бориши, тикланиш ва санъатнинг узвий боғлиқлиги, бундай кўргазма ва учрашувларни кенгроқ миқёсда давом эттириш, туман ва қишлоқларимиз аҳлини тасвирий санъатнинг рангин мўъжизаларидан баҳраманд этишга ундайди.

Мазкур галерея доирасида яқин кунлар ичида Жиззах вилоятининг рассомлик коллежида ёш иқтидорли рассомлар кўргазмаси ва партиянинг фаоллари билан учрашув ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Васила ФАЙЗИЕВА,
санъатшунос

Суратда: Санъат галереяси кўргазмаларидан лавҳалар.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭКОЛОГИК ХАРИТАСИ

Давримиз экологик муаммолар даври. Улар борасида бор овоз билан сўзлаш, ёзиш, фикрлаш, илмий баҳслар олиб боришгина эмас, балки уларни ҳал қилиш йўлида каттакатта қадамлар қўйиш даври.

Ўтган аср мобайнида, собиқ совет даврларида экология, табиатни асраш ҳақида кўп аюҳаннос солинганига қарамай Ўзбекистоннинг бирон-бир экологик харитаси яратилмаган, натижада мамлакат минтақаларидаги мавжуд экологик муаммолар тўғрисида етарли маълумот ва тасаввурга эга эмасдик. Ҳолбуки, ҳозирги замонда экологик харита ғоятда муҳим нарса. Усиз ҳаёт ислоҳотларига киришиш қоронғу уйда йўқолган узукни қидириш билан баробар.

Экологик харита эса табиат, атроф-муҳит муҳофазаси билан шуғулланадиган ташкилотларнинг сув, ҳаво, ер, ҳайвонот ва наботот оламлари ҳолатини, уларнинг инсоннинг турли хўжалик, маиший фаолияти оқибатида қанчалар зарарланиб, ифлосланаётганини ўрганиб, турли кўрсаткичлар тузиш асосида яратилади. Ўз-ўзидан равшанки, бундай харита экология муаммолари билан шуғулланувчилар, олимлар, иқтисодчилар, талабалар, ўқувчилар учун ниҳоятда зарур қўлланма вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгандан кейингина Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси илк бора мана шундай экологик харитаси яратишга киришди. Мана, унинг биринчи намунаси яратилгандан бери ҳам бироз вақт ўтди. Табиийки, харита ўз актуаллигини йўқотмаган эса-да, унинг маълум бир жиҳатлари вақт ўтгач эскирди. Мамлакатимизнинг айрим минтақалари бўйича ифлосланиш кўрсаткичлари ўзгарди, янгидан-янги корхоналар қурилиб ишга тушмоқда, уларнинг замонавий талабларга жавоб берадиган тозалаш қурилмалари атроф-муҳитнинг экологик ҳолати яхшиланишига хизмат қилмоқда. Қайдадир янги ерлар ўзлаштирилмоқда, қайдадир тупроқнинг ҳолати ўзгариб, чўлга айланиш рўй бермоқда, қамишзор, ботқоқликлар пайдо бўлмоқда. Янги иқтисодий маконлар вужудга келмоқда. Шу боис экологик харитани янгилаш, уни қайта нашр этиш жиддий масала бўлиб турган эди.

Йирик олим Асомиддин Рафиқов 1999 йилда экологик хаританинг янги нусхасини яратиш устида катта иш бошлаган эди.

Унинг Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига экологик хаританинг янги нусхасини кўтариб олиб келгани эсимда. Биз олим билан бирга янги харитани кўтариб барча бўлимлар, бошқармаларга кириб чиққан, кўрсаткичлар, минтақалар бўйича ҳолатларга аниқлик киритган, бугун рўй бераётган барча ўзгаришларни инобатга олишга ҳаракат қилган эдик.

Ниҳоят харита нашрга тайёр бўлди. Лекин ҳаёт экан, кутилмаганда режаларимиз ўзгариб кетди.

Ушбу экологик харитани тузган, атроф-муҳит мусаффолиги учун жонини ҳам аямайдиган, бутун куч-қувватини шу олижаноб ишга бағишлаган ажойиб олимимиз бу орада ҳаётдан кўз юмди.

Экологик харитани нашр этиш бу жудоликдан сўнг орқага сурилиб, тўхтаб қоладигандек эди.

Лекин от ўрнини той босар дейилганидек, ота ўрнини солиҳ фарзанд босди. Асомиддин Рафиқовнинг дилбанди Абдуваҳоб Рафиқов ота ишини давом эттириб, харита устидаги ишларни яна жонлантириб оёққа қўйди. У харитани нашр этиш билан боғлиқ барча ёзишмаларни ўрганиб чиқди, илгари билдирилган таклифлар, тавсиялар, мулоҳазаларни бирма-бир кўздан кечирди. Ниҳоят, 2003 йилнинг сентябр ойида «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси ёрдамида янги экологик харитани нашр этишга муваффақ бўлинди. Харита минг нусхада чиқарилиб, барча экологларга бебаҳо совға бўлди.

Яшанг, Абдуваҳоб Рафиқов! Сизнинг бу ишингиз ҳар қанча миннатдорчиликка арзийди!

Рустам ИБРОҲИМОВ,
Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходими

НАФАҚАГА ... ЭСКИ ГАЗЕТА

Акс садо

Яқинда М. Турсуновнинг «Миллий тикланиш» газетасида эълон қилинган «Журналист қатъияти» мақоласи билан танишар эканман, муаллифнинг танқидий мақоладан хулоса чиқарилмадими ёки камчилик тугатилмадими, шу мавзуга қайтмоқ зарур деган мулоҳазаларида жон бор, деб ўйладим.

Дўст ачитиб, душман кулдириб гапиради деб бежиз айтишмаган. Лекин бу ҳикматни ҳамма ҳам бирдай қабул қилавермайди. Бирор мақолада тилга олинган муаммо ечимида зарур ваколатга эга кишиларнинг айримлари баландпарвоз мақтовларга мойилроқ бўлади. Танқид остига олинган ёки иши танқидга лойиқ масъул шахсларнинг аксарияти танқидчини гўёки душмандай, лаганбардор ва хушомадгўйларни, кўриб кўрмаганликка олувчиларни эса дўст деб биладилар. Баъзан танқидий чиқишлар шунчаки эътиборсиз қолиб кетиши ҳам мумкин. Бундан хато ва камчиликлар ортаверади, муаммолар чигаллашади.

Ижодий иш билан «Афанди» газетаси таҳририятига йўлим тушди.

— Домла, газетамизда чиққан мақолаларингизнинг тақдири нима бўлди? — деб сўраб қолди ходимлардан бири.

— Қизим, танқиднинг кучи йўқолганми дейман, негадир аҳамиятсиз қолаверди.

«Дилхиралик», «Эски гап қулоққа ёқмас», «Хатни қаердан жўнатамиз?» каби чиқишлардан тескари хулоса чиқарган вилоят бошлиқлари иши танқид қилинган Набижон Араббоевни (Ёзёвон туман алоқа акциодорлик бўлими бошлиғи) энди вилоят марказига ишга ўтказгани мени ажаблантирди.

Туман алоқа бўлимида яна эски ҳолича иш юритиш давом этяпти. Яъни қариялар нафақасига конверт, лоторея, эски газеталар қўшиб сотиляпти. Туман марказида ягона газета сотиш дўкони бор. Минг афсуски, бир неча бор айтишимизга, қарамай «Ҳуррият», «Моҳият», «Миллий тикланиш», «Маҳалла» каби газеталар негадир ҳамон сотувда мутлақо кўринмаяпти. Энг ёмони, эскирган газеталар нафақахўрларга мажбуран сотиляпти.

Чиндан ҳам, муаллиф айтгандек, яна мавзуга қайтишга тўғри келади шекилли...

Нурбек РАҲИМ
Фарғона

АЗИЗ МУХЛИС!

"Миллий тикланиш" газетасига келгуси 2004 йил учун ОБУНА мавсуми бошланди!

МИЛЛИЙ РАВНАҚИМИЗ УЧУН БИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИНГ!

Газетамизга барча почта алоқа бўлимларида ёзилишингиз мумкин. Бир йиллик обуна баҳоси (таҳририят нархи) — 2680 сўм (почта харажатлари бунга кирмайди. "МТ" 2004 йилда ойига икки марта нашр қилинади.

ИНСОНИЯТ ОЗОН ТУЙНУГИДАН УЧИБ КЕТМАЙДИМИ?

Экология

Бу йил ёз иссиқ келди. Узоқ давом этди. Тошкент атрофларида осмон уфқлари ҳали яқин орагача худди тандирдек яллиғланиб турди. Қуёш ботиб кетгандан кейин фазо уфқларининг бундай — худди қизиган, ёнган кесакдек бўлиб яллиғланиб туриши илгарилари жуда кам кузатилган эди. У эртага ҳам ва яна узоқ вақт иссиқ ҳаво сақланиб туришидан дарак берарди. Одамлар шундай пайтлар кўп бетоқат бўладилар. Сабабсиз нолийдилар. Ҳаво етмаяпти деб безовталанадилар. Кейинги пайтларда ҳамманинг оғзидан бир гапни эшитасиз: Ер юзида иқлим ўзгаряпти. Одамлар бу ўзгаришларни савқи табиий билан сезадилар. Зотан бутун космосда бўлаётган ўзгаришлар одам организмида ҳам акс этади. Шунинг учун ўриб олинган буғдойзорларнинг ноқисона ёқиб юборилиши, газлардан, сувлардан, электр энергияларидан тежамсиз фойдаланиш, бўлар-бўлмасга автоларни у ёқдан бу ёққа югуртириш, тежамсиз тарзда (ха, ўзимнинг пулимга олиб ёқяпман-да!) бензин, керосин ёқиш ва шу каби бугунги кунда ғоятда исрофгарчилик каби қабул қилинадиган ишлар тобора кўпчиликка хуш келмай, меъдага ҳам тега бошлади. Ахир одамзод ер юзини сақламаса, қаерга бориб яшайди? Одам зарралардан тузилган. Коинот, бизнинг фазомиз ҳам зарралардан — беҳад ақлли зарралардан ташкил топади. Фазонинг емирилиши, бузилиши — одамнинг емирилиши ва бузилиши ва ўз навбатида одамнинг емирилиши ва бузилиши фазонинг емирилиши ва бузилишидир.

16 сентябр — Халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш куни. 2003 йилнинг 16 сентябрида бу сана Ўзбекистонда учинчи маротаба нишонланди. Бу кундан балки биров хабар топгандир, балки топмагандир. Айби йўқ. Аммо бундай нарсалардан бехабарлик ёки уларни менсимаслик одамга жуда қимматга тушади. Бу ушбу дамда ҳам сезилиб турибди.

Лекин БМТ ўзининг бир қанча атроф муҳит дастури бўйича иш юритувчи ЮНЕП, ЮНИДО, УНДП, УНЕП сингари эътиборли ташкилотлари билан биргаликда озонни муҳофаза этишни халқаро кун сифатида белгилаганлиги бу нафақат табиат, атроф муҳит, балки бутун инсониятнинг борлиғи, унинг келажагини ҳимоялаш мақсади билан чамбарчас боғланади.

Ўтган асримизнинг 60-70 йилларидан эътиборан ер юзи олимлари иқлимшунос, табиатшунос, физиклар, биологлар куррайи заминнинг стратосферасида (атмосферамизнинг юқори қатламлари) кислороднинг махсус атомларидан таркиб топган газсимон озон қатламида ўпирилиш ва емирилишлар рўй бераётганлигини айтиб, инсониятни огоҳлантириб бонг ура бошладилар.

Ерни ўраб турган 15-20 км юксакликдаги ҳарир озон қатламларининг очилиб қолиши Коинот ва Қуёшдан тушадиган кучли таъсир кучига эга ултрабинафша нурлар ер юзасига ҳеч қандай тўсиқсиз етиб келиши оқибатида барча тирик жонзотларни куйдириб ташлайдиган даражада ҳалокатли таъсир ўтказиш, натижасида заминда олдини олиш қийин фалокатлар, бўҳронлар юз бериши мумкинлиги тўғрисида хабар бердилар. Булардан биз озон ернинг ҳимоя пардаси эканлигини билдик. Бу парда йиртилган, ёки худо кўрсатмасин, йўқолган тақдирда ер юзида ҳаёт тугайди. Бу ҳақда жуда кўп илмий асосли, хавотирга тўлиқ мақолалар ёзилди. Олимлар, мутахассисларнинг кенгашлари ўтказилди. Уларда стратосферадаги озон қатламларида рўй бераётган ўзгаришлар фақат ва фақат инсониятнинг кенг миқёслардаги хўжалик, техник, маиший фаолияти туфайли вужудга келаётганлиги беҳад катта муаммо каби ўртага қўйилди. Олимлар, мутахассислар озон емирилишига сабаб бўлаётган ҳодисаларни ўрганиш, таҳлил қилишга киришдилар. Натижада, озон қатламига хлорфторуглеродлар, галонлар, галогенуглеродлар емирувчи таъсир кўрсатаётганлигини аниқладилар.

Давоми 2-бетда

Боши 1- бетда

Маълумки, хлорфтоуглеродлар (қисқача ХФУ) ва уларнинг бир қатор ҳосилалари совутиш системаларида совутувчи моддалар сифатида жуда кенг қўлланилади. Ранг-баранг совутгичлар, кондиционерлар ва бошқа жуда кўплаб турдаги музлатиш ва совутиш техник системалари фаолиятини бу каби моддаларсиз тасаввур қилиб бўлмасди. Ҳамма гап шундаки, хлорфторуглеродлардан ҳосил бўладиган газсимон кимёвий моддалар ҳавога тарқалиб, озон қатламларигача кўтарилиб, кимёвий реакцияга киришиб, натижада озоннинг сийраклашуви, баъзи ҳолларда эса анча катта миқёсларда очилиб қолишига олиб келади. Яъни ернинг — тирик жонзотларнинг коинотдан муҳофаза пардаси йиртилади. Ердаги ҳаётнинг муҳофаза салоҳияти заифлашади. Кейинги ўн йилликларда иқлимимизнинг иссиқлаб бораётганлигини олимлар, иқлимшунослар, қолаверса, ушбу ҳодисанинг авж олаётганлиги билан ҳам изоҳлайдилар.

Албаттаки, ерда иқлимнинг кескин ўзгараётганлигига ёлғиз ХФУлар ва бошқа шу каби хоссали моддаларгина таъсир кўрсатаётган эмасдир.

Инсониятнинг кейинги эллик йил ичида ер остидаги газлар, нефт ҳамда улардан ҳосил қилинадиган турли-туман моддаларни ақл бовар қилмайдиган даражада ишлатиши, ёқиши, ўрмонларни кесиши, саноатда кўплаб кислород ишлатиши, ядро синтезларига ружу қўйиши, қишлоқ хўжалигида кимёнинг кенг ва ададсиз қўлланиши, умуман саноат ишлаб чиқаришига зўр бериши — булар ҳаммаси бир бўлиб ернинг ўзига ҳам, унинг қобиқларига ҳам, атмосфераси, стратосфераси ва ҳатто ундан баландроқларга ҳам кучли таъсир ўтказаётгани сир эмас.

БМТ инсоният бошидаги мана шулардан келиб чиқадиган ҳалокатларнинг олдини олиш мақсадида 1985 йилда Вена Конвенциясини ишлаб чиқди. Конвенция «Озон қатламини муҳофаза қилиш ҳақида» деб аталади. Ҳозирда Вена Конвенциясини 178 мамлакат қўллаб қувватламоқда. 1987 йилда озон қатламини ҳимоя қилиш чоралари бўйича яна бир қадам олға ташланди. Канаданинг Монерал шаҳрида Протокол имзоланди. Унда озон қатламларини емирувчи моддалар қайд этилиб, емирилишнинг олдини олиш, емирувчи моддаларнинг ўрнини бошқа зарарсиз моддалар билан алмаштириш, зарарли моддаларни ишғил олиб тўплашнинг аниқ тадбирлари белгилаб чиқилди. Энг муҳими, ХФУлардан фойдаланишни қисқартириш, уларни ишлаб чиқаришни камайтириш ҳақида қарор қабул қилинди. Монреал Протоколини қабул қилишда 24 давлат қатнашган бўлса, ҳозирга келиб уни дунёнинг 177 давлати имзолади. Шундан сўнг масалага эътибор янада чуқурлашиб, 1990 йилда Лондон тузатиши, 1992 йилда Копенгаген учрашуви қарорлари дунёга келди. Уларда ХФУнинг беш турини, галоннинг уч турини ишлаб чиқаришни тўхтатиш, назоратга дахлдор моддалар рўйхатини кенгайтириш, зарур чора-тадбирларни амалга оширишда иқтисодий ўтиш босқичида бўлган, ҳамда ривожланаётган мамлакатларга техник, моддий ёрдам кўрсатиш, Протокол моддаларини оғишмай тадбиқ этиш чоралари белгиланди.

Ўзбекистон 1993 йилда Вена Конвенцияси ва Монреал Протоколини имзолади. 1998 йилда Лондон ва Копенгаген тузатиш ва қўшимчаларига қўшилди. 2001 йилда Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қошида Озон офиси идораси ташкил топди.

Ҳозирда қатор халқаро ташкилотларнинг кўмаги, сай-ҳаракатлари натижасида озон қатламини емирувчи моддаларни ишлатиш, уларнинг ишлаб чиқарилишини тўхтатиш, йиғиб олиш ва шунингдек, улар ўрнига озон қобиқлари учун зарарсиз моддаларни қўллаш, янги технологияларни жорий этиш бўйича катта амалий ишлар олиб борилаётган глобал тарздаги ишларга тўла ҳамоҳангдир. Бу борада Ўзбекистон ҳукумати 2000 йилда махсус қарор қабул қилиб, унда ыЎзбекистоннинг озон қатламлари ҳимояси юзасидан халқаро мажбуриятларини бажаришнинг қатор муайян чоралари белгиланди. Унга кўра Ўзбекистонга озон қатламини емирувчи моддаларни киритиш қисман тўхтатилди ва қисман чекланди. 2000 — 2002 йилларда БМТ ташкил этган Глобал экология фонди озонни сақловчи технологияларни жорий этиш учун Ўзбекистонга 3.356.194 АҚШ доллари миқдорида хайрия ёрдами кўрсатди. Шунга кўра, чунончи, 2001 — 2003 йилларда қарийб 70 тонна хавфли ХФУ — 12 моддаси йиғиштириб олинди. Совутгичларни ўрнатиш, таъмирлаш билан шуғулланувчи 500 дан ортиқ мутахассислар қайта ўқитилди, янги ишга ўргатилди. Озон учун зарарли моддалар экспорти ва импортини назорат қилиш учун божхона ходимлари ихтисосини ошириш чоралари кўрилди. Янги ишга зарур ўқув қуроллари, асбоб-ускуналар келтирилди. Ҳозиргача озонни сақлаш юзасидан қатор дастурий ишлар йўлга қўйилди. Ўнлаб махсус семинарлар ўтказилиб, уларда 350 мутахассис таълим олди. Машҳур «Сино» эса хорижга чиқарадиган маҳсулотларини янги технологиялар асосида яратиш учун 1,5 млн. долларлик асбоб-ускуналар келтирди. Ҳозир озонни сақлашнинг махсус лойиҳалари асосида иш олиб борилмоқда. Уларга Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бош-қош бўлмоқда. Булар бари Ўзбекистоннинг атроф муҳитни сақлаш глобал тадбирларида юксак маданий мамлакатлар билан бир сафда туриб, инсониятнинг келажаги, олижаноб инсонпарварлик мақсадларига ўз улушини қўшиб бораётганлигини кўрсатади. Бу ишлар БМТ ва унинг ташкилотлари, дунё мамлакатлари билан яқин ҳамкорликда тобора авж олишига ишончимиз комил.



«Озонэкшн» халқаро нашрининг хабар беришича, янги Зеландиянинг Отаго, Американинг Нью-Хемпшир университетлари олимлари ўтказган тадқиқотларда озон қатлами тутиб қололмайдиган ультрабинафша нурлар Антарктиканинг 2,5 метр қалинликдаги музларини ёриб ўтиб муз остида яшовчи тирик организмларга таъсир кўрсатяпти. Денгиз кирпиларининг одатда дум-думалоқ тухумлари ғадир-будир қинғир-қийшиқ бўлиб қолган, уларнинг сиртқи пўстлоғи худди куйиб сўхта бўлиб кетганга ўхшайди. Бошқа бир қисми эса тамомила ҳаётга яроқсиз ҳолга келган. Олимлар ультрабинафша нурларнинг йўлини тўсиш учун маълум бир жойларга тўсиқ экранлар ўрнатишган. Тухумлар экран қўйилмаган жойларда радиация таъсирида 30-40 фоизгача ўсишдан тўхтаган. Муз қатлами бўлмаган денгизнинг очиқ жойларига қўйилган тухумлар эса тўла нобуд бўлган.

Кейинги йилларда Антарктика узра озон қатламининг емирилиши кўпроқ сентябр ойида кўрилмоқда. Бу пайтда булутлар стратосферада Қутб тепасида юксакда ҳосил бўлиб, ХФУлар билан реакцияга киришиб, озоннинг юпқа қобуғини емирмоқда. Худди шунингдек, ҳар кўклам фаслида жанубий Қутб — Антарктика фазосидаги озон қатлами сийраклашади. Озон сийраклашган ерлар бу пайтда бемалол АҚШнинг ер майдони ҳажмига баробар бўлади. Озон сийраклашиб туйнук ҳосил бўлган жойлар Янги Зеландия ва Австралия устида ҳам сезиларли даражада мавжуд.

Яқинда Нидерландиянинг Утрехт университети тадқиқотчилари Европа фазосида ҳам озон қатламини емирувчи метилхлорформ (МХФ) бирикмалари борлигини қайд этдилар. Бунинг сабаби ер остига кўмилган МХФ чиқиндилари бўлиши мумкинлигини айтмоқдалар. Умуман ер остига кўмилган, сув остига ташланган зарарли химикат чиқиндилар, ядро чиқиндилари ҳеч қачон тинч ётмайди. Сизиб, буғланиб, парчаланиб, парчаланиб яна юқорига-ҳавога чиқишга доим мойил бўлади. Европада МХФ зарарли бирикмаларининг қанчалигини аниқлаш мақсадида махсус тайёралар Алп тоғлари, Марказий Европа, Германия, Ирландия, Жанубий Европа устида доимий учиб ҳаво қатламлари ҳолатини мунтазам ўрганмоқда. Фазодан келаётган, йўлига тўсиқ қўйилмаган кучли радиация одамнинг иммун тизимларини ўта заифлаштиради, тери саратони касалликларини авж олдиради, кўзнинг турлича касалланишига олиб келади. Фазодан келаётган радиация қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликнинг тушиб кетиши, уруғларнинг айниши, айрим ўсимлик турларининг бутунлай йўқолиб кетишига сабаб бўлади. Тоғларда емирилишлар кучаяди, асрий музликлар юпқалашади, ёрилади.

Жанубий Қутбда озон туйнуги даврий тарзда кенгайгани боис Қутбга яқин Чилининг жанубидаги Пунта-Аренас шаҳрида махсус фонарлар қўйилган. Фонарларнинг чироғи қизил тусда ёна бошлаганда шаҳар аҳолиси қора кўзойнак тақади, ялангбош юрмайди, қалин шляпа кияди, устиларига узун енгли кўйлак илишади.

Ер юзидаги мамлакатлар биринсирин куррамиз атрофида ҳаво ҳамда озон қатламларини тоза сақлаш, муҳофаза қилишга киришмоқда. Кўп муваффақиятли лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Ахир ер юзида айни бир дамнинг ўзида неча миллионлаб моторлар, двигателлар, компрессорлар, иссиқлик энергияси манбалари, атом энергияси манбалари ишлаб туради. Уларнинг бир дақиқа ичидаги энергия қуввати қанча бўларкин? Ердаги иқлим яна ҳам ўзгармасинми?

Экология

Ҳарорат кўтарилмасинми? Кислород тақчиллиги сезилмасинми? Ўрмонлар ёнмасинми? Сув босмасинми?

Кўриниб турибдики, озонни емирилишдан сақлаш, муҳофаза қилиш экологиянинг битта буюк долзарб масаласи. Ҳа, хайрли лойиҳалар ишга тушмоқда, катта-катта сармоялар жалб қилинмоқда. Махсус асбоб-ускуна, анжомлар, техник воситалар ишлаб чиқилмоқда. БМТнинг озон офиси бир вақтнинг ўзида 77 лойиҳа бўйича иш олиб бормоқда. Шундай интенсив чоралар кўргандагина олдимизда турган эллик йил ичида фазонинг озон қобиғи XX асрнинг 80-йилларидаги ҳолатга келиши мумкинлигини айтмоқдалар. Озон емирувчи моддаларнинг фазога чиқиши бўйича энг катта кўрсаткич АҚШга тўғри келади. Илмий ахборотларга қараганда, Американинг битта «Спейс-шатл» фазо кемаси учганда бирваракай 10 млн. тонна озонни емиради.

Битта мисолнинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, барқарор тараққиётнинг глобаллашуви, ишлаб чиқариш ва истеъмол юксак маданий ва оқилона даражада бўлиши, табиий ҳамда экологик ресурсларни бошқаришда сақлаш, муҳофаза чораларининг эффектив қўлланиши, буларни амалга оширишда доимий тарзда реал қадамлар қўйилиши ер юзидаги барча мамлакатлар, барча халқлар, барча инсонларнинг ҳаёт-мамот вазифаси.

Озон туйнугидан инсониятга боқаётган ҳалокат ҳар биримизни ўйлатмай, ҳаракатга ундамай ложи йўқ.

Иброҳим ҒАФУРОВ

ИМКОНИЯТСИЗ БАНКЛАР ВА ... ҲУҚУҚСИЗ МИЖОЗЛАР

Бизга жавоб берадилар

"Миллий тикланиш" газетаси, 2003 йил 19 август сони

Ўзбекистон республикаси Марказий банки Сизнинг 50-сонли (25.08.03)

хатингизни ва газетанинг шу йил 19 август сонида эълон қилинган "Имкониятсиз банклар ва ҳуқуқсиз мижозлар" номли мақолани ўрганиб чиқиб қуйидагиларни билдиради.

Мақолада айтилган фикр-мулоҳазалар юзасидан шуни маълум қиламизки, Марказий банк ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида олиб боради, яъни Марказий банк томонидан амалга киритилаётган барча норматив ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ишлаб чиқилади.

Ушбу ҳужжатларда тижорат банклари томонидан ўз мижозларига нақд пул берилиши борасида Марказий банк томонидан ҳеч қандай чекловлар қўйилмаганлигини маълум қиламиз.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 264-сонли "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида Марказий банк томонидан ишлаб чиқилиб 2001 йил 30 июнда давлат рўйхатига олинган "Ҳисоб варақлар очиш, мижозлар ҳисоб варақларига маблағ ўтказиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонунларда назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул бериш тартиби бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун тижорат банкларига нисбатан жарима жазо чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги "Низом"нинг 5-бандига мувофиқ банклар томонидан иш ҳақи ва қонунларда назарда тутилган бошқа эҳтиёжларга ўз вақтида нақд пул бермаганлик учун мижозларга, шу жумладан тадбиркорлик субъектларига улар ҳисоб варақларида маблағ бўлганида банк устав сармояси белгиланган энг кам миқдорининг 0,005 фоизи миқдорида жарима тўлаши лозимлиги қайд этилган.

Банк мижозлари банк томонидан шартнома шартлари бузилган тақдирда хўжалик судига мурожаат қилишлари лозим бўлади.

А. ҚОДИРОВ,
раис ўринбосари

Фикрлаш тарзимиз қандай ўзгаради?

ГЕНДЕР МУАММОСИ ВА АНЪАНАЛАР

"МТ"нинг ўтган сонларида эълон қилинган журналист Абдулло Аъзамнинг "Зўравонлик" ҳамда С. Қўзижоннинг "Тушов" сарлавҳали мақолалари ўзбек аёлига бўлган оиладаги муносабатлар, уларнинг табиий инсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нақадар муҳим ва долзарб муаммолардан бири эканлигини, бу мавзуда кенг фалсафий баҳс – мунозаралар юритиш лозимлигини кўрсатди.

Турли жинс вакилларининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, роли ўзаро муносабати масаласи ҳозирги замон жаҳон фалсафасига гендер муаммоси номи билан кириб келди.

Мамлакатимиз ривожининг ҳозирги босқичида хотин-қизлар маънавиятини юксалтириш, бунинг учун аввало уларга бўлган анъанавий шарқона ахлоқий муносабатларни ўзгартириш, оилавий муносабатларда аёлнинг инсоний ҳуқуқ ва қадр-қимматини қарор топтириш муаммолари устида бош қотириш ҳаётий заруратга айланди.

Зеро, барча ислоҳотларимизнинг тақдири охир-оқибатда таълим-тарбия соҳасидаги ишларимизнинг қандай натижа беришига, комил инсон шахсини шакллантиришга боғлиқ экан, таълим-тарбия муассасаларимизда, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда тўпланиб қолган барча муаммолар ўзбек аёлининг оилавий муносабатлардаги эрксизлиги, мустақил фикрлай олмаслиги, илмсизлиги, маънавий қашшоқлиги билан боғлиқ эканлигини тан олмай илож йўқ. Ўртасрчиликнинг чиркин традициялари исканжасига тушиб қолган, маҳалладан ташқарини кўра олмайдиган, инсоний ҳаёт маъносини ўғил уйлаш, қиз чиқариш ва бошқа маросимларни дабдабали қилиб ўтказиш, меҳмон кутишдан иборат деб биладиган аёл ҳеч қачон эрни улуғвор ва олижаноб ишларга, илм-фан, санъат, сиёсат, дин ва бошқа соҳаларда улкан муваффақиятларга эришишга илҳомлантириб даъват эта олмайди. Эрни порахўр ва тамагирга айлантираётган, уни жиноятга етаклаётган, буюк ва олижаноб ишлардан чалғитаётган бугунги куннинг Ўзбек ойим ("Ўткан кунлар")ларидир, десак муболаға бўлмас. Кишининг инсоний ҳақ-ҳуқуқларидан амалда фойдаланишга йўл бермайдиган удумлар, анъаналар, "хуржуни" ортиқча харажатлардан тўла урф-одатлар жаҳолат хизматидадир ва улар хоҳ шахс, хоҳ жамият учун фақат зарар келтиради, маърифатсиз қилади холос. Улардан онгли равишда эркагу аёл бирдай воз кечмоғи, муҳими, уларни фарзандларимизга "юқтирмаслиги" ҳаётимизни яхшиланиб боришига олиб келади, бизни дунёвий тараққиётга яқинлаштиради.

Аёл ўзининг туб моҳиятига кўра ҳаёт яратувчи, мурғак танага жон ва руҳ берувчи, илоҳий мўъжизани рўёбга чиқарувчидир, маънавият хазинабонидир. Ғарб олимлари аллақачон ўғилнинг онага, қизнинг отага руҳан яқин бўлишини исботлаганлар. Маънавияти юксак, эркин ва мустақил аёл (она) ўз фарзанди қалбига илм-маърифат ишқини солади, уни ўз-ўзига хизмат қилишга мустақил фикрлаш ва яшашга ўргатади. Комила ва оқила аёлнинг фарзанди ҳақидаги ғамхўрлиги, меҳр-муҳаббати фарзандини қийинчиликлардан авайлаб-асрашида эмас, балки бундай қийинчиликларни енгиш йўлларини ўргатишида, сабот-матонатли қилиб ўстиришдадир.

Биз кўпинча нима учун фарзандларимиз ношуд ва нотавон, мустақил фикрлаш ва яшашни, ўз ҳаққи ва ҳуқуқини ҳимоя қилишни билмайди, сингари саволларга оқилона жавоб бериш учун ўз инсоний ҳуқуқини ҳимоя қилиш имконига эга бўлмаган, оилада муте ва итоаткор бўлган она ўз фарзандларини ҳам табиий ва муқаррар равишда итоаткорлик ва мутелик руҳида тарбиялашини эътироф қилишга мажбурмиз.

Савол туғилади: Нега хотин-қизлар озодлиги, аёлларнинг табиий-инсоний ҳуқуқларини қарор топтириш ҳақида аёллар эмас, балки эркаклар бош қотиришлари керак? Нега ўзбек аёли ўзининг оилавий муносабатлардаги ҳуқуқсизлигига қарши кескин курашмайди? Ҳозирга қадар Ўзбекистонда хотин-қизлар муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган мутахассисларнинг деярли барчаси хотин-қизлар эди. Республика "Оила" илмий-амалий маркази мутасаддилари бизда хотин-қизлар муаммоси йўқ дейишга мойилдир. Уларни бир жиҳатдан тушуниш мумкин: бизнинг шароитимизда хотин-қизлар муаммоси ўта жиддий, маънавий чигал ва мураккабдир.

"Аёл ва оила" сўзлари ўзакдош, бири иккинчисини тақозо этади ва бир-бири билан узвий боғлиқ: аёл фақат оила бағридагина ўз моҳиятини тўлароқ намоён этади. Агар жамият яхлит организм бўлса, оила унинг муҳим ҳужайрасидир. Ҳужайра соғлом бўлсагина, организм ҳам соғ бўлади. Организмни даволамоқ учун ҳужайраларни даволаш зарур.

Биз Ўзбекистонда демократик жамият барпо этиш йўлини танладик. Бу оқилона йўл, бироқ биз учун ғоят оғир ва машаққатли йўлдир, чунки бу ерда гап миллий менталитетимизни ўз-ўзимизни, миллий тарбиямиз мазмунини ўзгартириш ҳақида ҳам боряпти. Энг аввало фикрлаш тарзимизни ўзгартиришимиз керак. Бизнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳадаги мавжуд муваффақиятсизликларимиз бизнинг феълу атворимиз, фикрлаш тарзимизнинг ўзгарган янги тарихий давр талабларига номувофиқлиги, яроқсизлиги билан боғлиқдир. Биз ижтимоий ва маиший ҳаётимизда туб ўзгаришлар қилмоғимиз учун ҳақиқатан ҳам фикрлаш тарзимизни тубдан ўзгартиришимиз зарурдир. Миллий ўзликни англаш тарих ҳақиқатига очиқ кўз билан қарашдан, тарихнинг аччиқ сабоқларидан тўғри хулоса чиқаришдан бошланади. Тарихни бир ёқлама идеаллаштириш ёки тарихий ҳақиқатни нигилистларча бир зарб билан инкор этиш ҳам бирдай зарарли ҳол.

Собиқ совет деспотизми шарқ деспотизмининг янгича кўриниши ва давомидай эди. Совет жамиятининг мустабид доҳийлари худди ўзбек оиласидаги отага ўхшар эди: бутун оила, фарзандлар "доно" отанинг ҳукмига, кўрсатмасига мунтазир эди. Ўзбек оиласидаги шарқона тарбия мазмунан совет деспотизмига мос итоаткор, мute граждanлар тайёрлашга хизмат қиларди. Эҳтимол, шу сабабли ҳам совет жамиятшунослари ўзбек оиласидаги аёлнинг эрксизлиги, мутелигига нормал табиий ҳол каби қарар эдилар.

Ҳолбуки, ўтган аср бошларида яшаб ижод қилган жадидчилик ҳаракатининг буюк намоёндалари миллий озодлик ибтидосини ўртаасрчиликнинг чиркин одатлари, традицияларига қарши курашда, ўзбек аёлининг озод, илм-маърифатли бўлишида кўрганлар. Бугунги кунда миллий мустақиллик, озодлик ва демократик эркинлик учун курашган улуғ аждодларимизнинг илмий-фалсафий меросини янгича тушуниш ва талқин этиш айниқса муҳимдир.

Қодиркул РЎЗМАЗОДА,
файласуф



«КАЛТА МИНОР»НИ ТИКЛАСА БЎЛАДИМИ?

Хивада аввалги асрда бунёд этила бошлаган улкан минора турли сабаблар боис чалалигича қолиб кетган ва сўнгра у «Калта минор» деган ном билан атала бошлаган.

Бундай қарасангиз, у шаҳардаги муҳташам, мукаммал миноралар, биноларга уйғун келмай, қурилиши охирига етмагани учун гармонияга ҳалал бериб тургандай.

Эндиликда айни шу минорани тиклаш — уни ниҳоясига етказиш пайти келди.

Мустақил давлатимизда туризм йилдан-йилга ривожлана бориб, унинг ўзига яраша даромади ҳам ортиб бораётган экан, шундан бир улушини минорани тиклашга сарф қилинса айни муддао бўларди.

Худога шукур, ҳозир шу ишнинг уддасидан чиқа оладиган меъмор усталар бисёр.

Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси фасадининг икки бурчидаги икки зеб минораси — меъморлар тили билан айтганда, гулдасталар 1946 йилнинг кузидаги зилзилада учиб кетганидан сўнг орадан бир кам эллик йил ўтгач, у тикланди. Тикланганда ҳам бундай фахрли иш меъмор усталар ўртасида «талаш» бўлиб кетди.

Эндиликда шу хайрли иш бошланиб, парчаланиб, парчаланиб яна юқорига-ҳавога чиқишга доим мойил бўлади. Европада МХФ зарарли бирикмаларининг қанчалигини аниқлаш мақсадида махсус тайёралар Алп тоғлари, Марказий Европа, Германия, Ирландия, Жанубий Европа устида доимий учиб ҳаво қатламлари ҳолатини мунтазам ўрганмоқда. Фазодан келаётган, йўлига тўсиқ қўйилмаган кучли радиация одамнинг иммун тизимларини ўта заифлаштиради, тери саратони касалликларини авж олдиради, кўзнинг турлича касалланишига олиб келади. Фазодан келаётган радиация қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликнинг тушиб кетиши, уруғларнинг айниши, айрим ўсимлик турларининг бутунлай йўқолиб кетишига сабаб бўлади. Тоғларда емирилишлар кучаяди, асрий музликлар юпқалашади, ёрилади.

Жанубий Қутбда озон туйнуги даврий тарзда кенгайгани боис Қутбга яқин Чилининг жанубидаги Пунта-Аренас шаҳрида махсус фонарлар қўйилган. Фонарларнинг чироғи қизил тусда ёна бошлаганда шаҳар аҳолиси қора кўзойнак тақади, ялангбош юрмайди, қалин шляпа кияди, устиларига узун енгли кўйлак илишади.

— Сен ҳали сиримизни ёзиб қолдирмоқчимисан? Йиғиштир, агар яна бир шундай иш қилаётганингни кўрсам, оловга отаман!

Табиийки, янги келинчак дарров жанжал чиқаришни истамайди. «Ийиган бўлса, бинокорликда қўлланилган битта амал унутилмаслиги кераклигини таъкидлаб қўяйлик: қадимда хумдондан пишиб чиққан ғишт уч кун оқар сувга ташлаб қўйилган. Сувга обдон мириқтирилган ғиштнинг пухталиги неча баравар ортган, боз устига танасидаги шўрлар тамоман ювилиб кетган.

Хўш, минор тикланиб ҳам бўлди дейлик. Шунда унинг номи «Калта минор»лигича қолавергани маъқул. Роҳбинлар нега шундай дейилганлик тарихини «эрмак қилиб» сайёҳларга тушунтириб бериб юрадилар...

Шарафиддин КЎНЧИ

Ўзбек аёли, оила, жамият муносабатлари

Жаҳолат нимадан қўрқади?

Аёл зотининг сифати кўп: муқаддас, қудратли... Аммо барча сифатлар ичра сифатлар ичра «гулдай» деган қиёс унга кўпроқ ярашади. Худди шу сифатда унинг гўзаллиги ҳам, нозиклиги ҳам, ҳайратга тушира олувчи кучи ҳам мужассам. Худди шу жиҳати ўзига жуда ярашиқли бўлгани учун бу ўхшатиш ёнига «зўравонлик» деган беўхшов, кўпол, оғриқли бир тушунча сиғмайди. Аммо ҳаёт ҳаёт экан-да, бизнинг тасаввурларимизни гоҳ писанд қилмас экан. Мен «Миллий тикланиш» газетасида эълон қилинган аёлга, оилага зўравонлик, шу иллат илдизлари, оқибатлари ҳақидаги мақолалардан жуда таъсирландим. Бу мавзуга яқинлашиб, жойизли бир ниятни кўзлабсизлар, дегим келади.

Ахир бизнинг жамиятда аёлларга эътибор катта. Аълочилар — қизлар, фаоллар — қизлар. Тадбиркорлар — аёллар, шифокорлар, муаллима... худди улар эркига, кўнглига энди дахл қилиб бўлмайдигандек... Бир тарафдан адолатли қонунлар... Аммо барибир бутун жаҳонда бугуннинг долзарб масаласига айланган аёлга зўравонлик бизда ҳам йўқ эмаслигини энди сезаяпмиз-ку. Муаллима сифатида хулоса чиқармасдан аввал бир воқеани келтирай: бир қизни биламан. Қиз деса дегудай эди. Ота-онаси кўз устида қўйиб ўстирди. Ўқиб, архитектор бўлди. Шоир табиати ҳам бор эди. Ёзар, айниқса, кундалик дафтар тутишларга, дафтар четига расм чизиб, шеър ёзишларга ишқибоз эди. Оилада тўнғич бўлгани учун қозон-ўчоқ, бичиш-чатишларгаям уста эди. Йигитнинг «ўлдим-куйдим»ига ишониб бир оилага келин қилиб бердилар. Бир ҳафта ўтмаёқ оила юмушларидан бўшаб, ўз хонасининг бир бурчагида завқ билан янги ҳаёт таассуротларини ёзаётган келинчакни қайнона кўриб, жазавага тушади.

— Нега ёзасиз? Нимани ёзасиз?

— Кундалик, ойижон. Кўрган-кечирганларим... Кексайганимизда болаларимиз ўқишса, бобом, бувим, ота-онам шундай яшашган экан, дейишса...

— Сен ҳали сиримизни ёзиб қолдирмоқчимисан? Йиғиштир, агар яна бир шундай иш қилаётганингни кўрсам, оловга отаман!

Ўша келинчак сал хаёл сурса, қайнонаси: «Ўзи гоҳ худ, гоҳ беҳуд экансиз, болалигингизда ёнғоқнинг остига ухламаганмисиз?» тарзида гап қиларди. Келинчак қайнонасининг кўнглини олиш учун кўп севган нарсаларини қурбон қилди. Пулга ўчлигини билиб, тунлар қўшимча ишлар олиб, лойиҳалар чизди. У руҳиятидаги азалдан бор эркини ичига кўмиб, қайнонасига кўрсатмасликка қанча тиришмасин, бир жойдан сезилиб қолса, унинг жони чиқиб кетарди. У келинининг ҳамма қатори, ҳаммага ўхшаган, еб-ичиб, бола-чақа учун югуриб юрадиган, уйдан бошқаси билан иши йўқ жўн одам бўлишини истарди. Келин хўп чидади, эри ҳам онаси бақир-чақирини бошласа «ҳай» демади. «Акам бевақт ўлиб, онам асабий бўлиб қолган, чида», деди.

Оддий кундалик ёзишга қаршиликдан бошланган зўравонлик ахийри келинчакнинг ўз жонига қасд қилишга тайёргарлигига келиб етди. Ҳайриятки, бу воқеа содир бўлмади. Олди олинди... Мен шу ва шунга ўхшаш воқеаларни кузатганимда бу оддийгина қайнона-келин можароси эмаслигини ҳис этаман. Бу ҳолат умуман гўзаллик билан жаҳолат ўртасидаги курашлардай менга, имкон туғилиб, аёл кишининг худодан берилмиш гўзалликлари намоён бўлган сари жаҳолат ҳам жазавага тушаяпти.

Ҳурлик туйғуси аёлни яна ҳам гўзаллаштиради. Бугунги биздаги зўравонликка интилиш — ана шу туйғу, ана шу гўзаллик қошидаги қўрқув, қўрқувнинг хунук жазаваси. Чунки гўзаллик ва маърифатдан қўрқади жаҳолат. Улар жаҳолат инсонни тубанликка тортишига йўл қўймайди-да.

...Мен илм олаётган, илмдан осойиш, оройиш топаётган қизларга сабоқ берар эканман, улар шу ҳолатни тушунишларини жуда истайман. Ва бу мавзу севимли газетамизда давом этса, деган истагим бор. Ахир, қайси мавзуга, умуман, қайси нарсага яқин бораверсак, ўша нарсани ойдинроқ кўра бошлаймиз. Аниқ, бор-йўғи кўринган иллатни таҳлил қилиш, ўрганиш, ундан халос бўлиш йўлларини ўйлаш осонроқ.

Бўритош НОСИРОВА,
Қарши педагогика коллежи муаллимаси

Беш марта суд қарори, навбат олтинчисига:

ИККИ ТОМОННИНГ БИРИ — ... МАРҲУМА

Ҳурматли таҳририят!

Биз бир неча бор суд жараёнларини ўз бошимиздан кечирдик. Бир масала юзасидан олтинчи марта бўладиган шу суд жараёнининг ўзи икки марта орқага сурилиб, учинчи марта ҳам (26 сентябрда) яна қайта кўриб чиқиш учун қолдирилди. Буни қанча чўзилишини биз билмаймиз. Беш марта бўлиб ўтган суднинг ҳар бирида ҳал қилувчи қарор чиққунча шундай ҳолатлар такрорланган, ҳар бири неча марта, неча кун оворагарчилик келтирганини ўйлаб ахийри таҳририятга шикоят аризаси ёзяпман. Балки биздай сарсон бўлиб юрганлар кўпдир.

Шикоят хатлари турлича бўлади, лекин марҳума билан судлашишдек суд иши юзасидан мактуб ёзилмагандир деб ўйлайман.

Марҳума онам даъвогарлигида 2000 йилда бошланган ва бир неча бор бўлиб ўтган суд жараёнларидан бошимиз чиқмай қолди. Онам оламдан ўтгач ҳам (яъни икки томоннинг бирисиз, фақат онам ҳаётлигида ҳам, кейин ҳам онамнинг ишончли вакили — мен ва иккинчи томон) бир неча бор иш судда қайта кўрилаверганини, айни пайтда олтинчи бор суд жараёни давом этаётганини айтсам, мутахассислар ҳам ажабланишар балки.

Онам Мария Петровна ҳаётлигида ўтган сўнгги судда унинг даъвоси тўғри деб топилиб, адолатли ҳукм чиққан, умрининг сўнгги дақиқаларида бу ҳақда эшитиб кўз юмган эди. Афсуски, тириклигида кекса ва бемор онамни кўп ташвишга қўйиб, сохта ҳужжатлар асосида уйини тортиб олишга уринган невараси Ольга Шашурина у оламдан ўтганидан кейин ҳам энди руҳини безовта қилишдан тўхтамаяпти. Бир томоннинг тўлиқ иштирокисиз ўтадиган суд жараёнлари нохолис бўлишини бир неча бор кўриб, марҳуманинг ҳаётлигида ўтказилган суднинг тўғри қарорини ўз кучида қолдиришга балки сиз кўмак берарсиз деган умиддаман. Ахир биз учун тирикларнинг муаммолари ҳам етарли бўлиб, марҳуманинг ҳаётлигида тўғри ҳал қилинган ишни вақт ва маблағ кетказиб қайта кўриш ва асоссиз қарор чиқариш на мантиққа, на адолатга тўғри келади. Узундан-узоқ давом этаётган бу суд жараёнларини имкон қадар баён қилсам.

Онам Мария Петровна қандли диабет, қон босими ошиши, атеросклероз, трафик яра, кўз касалликлари билан узоқ бетобликни бошидан кечирди. Қандли диабет қаттиқ хуруж қилиб қолган кунида (буни врачлар кўрсатмаси исботлаган) унинг уйига нотариус Л. Г. Аҳмедовни етаклаб келган невараси (марҳум акам Николайнинг қизи) ва унинг онаси Тамара уйни ҳадя қилиш ҳақидаги сохта ва мазмунан ҳам асоссиз ҳужжатга беш дақиқа ичида имзо чектириб кетишади. Онам касаллиги туфайли нима қилдиришганини бутунлай билмай ҳам қолади. Ўша пайтда уйда акам Геннадий ҳовлида юрган бўлган. У беш дақиқага онамни кўргани келиб кетишди деб ўйлаган. Ваҳоланки, шу уйда рўйхатда турган Геннадий "ҳадя шартномаси"дан хабардор қилинмаган. Ушбу уйда (Тошкент шаҳри, Зайтун кўчаси, 42-уй) яшовчилар ҳақидаги маҳалладан берилган маълумотномада ҳам Геннадийнинг исми қайд этилмаган. Бу ҳол "Охунбобоев-16" маҳалла мутасаддиларининг ўз ишию виждонан қарамаганлигини билдиради. Бунинг устига уйнинг лойиҳаси билан унинг ҳадя қилинган 1/2 қисми амалда уйнинг бутунлай ўзини ташкил этиши нотариусни ўйлантирмагани ажабланарлидир. Тўғри-да, беш дақиқада нимани ҳам ўлчаш мумкин?! Улар беморнинг оғир ҳолатидан, эс-ҳуши хасталик боис вақтинча ўзида бўлмаётганидан фойдаланиб, ўзлари тайёрлаб келган ҳужжатга тезда қўл қўйдиришга киришган, холос. (Ҳозирги суд жараёнларида нотариус Л. Г. Аҳмедов буни "техник хато ўтган" деб билдирди. Лекин бу сўзлар суд протоколидан негадир тушиб қолган. Ҳадя шартномасини расмийлаштиришда йўл қўйилган кўплаб хатоларни санаш мумкин (уларга доир ҳужжатлар илова қилинмоқда). Хуллас, бир йил ўтгунича улар бу шартнома ҳақида ҳеч кимга, ҳатто "совға" берганнинг ўзига ҳам айтишмаган, шартноманинг бир нусхаси ўша пайтда онамга берилмаган. Ким билади, эҳтимол ҳаётдан кўз юмишини кутишгандир.

Бир йилча вақт ўтгач, унга бу ҳужжатни кўрсатишади ва "уй эгаси" (невараси Ольга) ўз оиласи билан кўчиб келади. Кейин-кейин онамга уйни бўшатиб қўйишни айта бошлайди.

Онам Мария Петровна 2000 йил 19 июлда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судига ушбу ҳадя шартномасини ҳақиқий эмас деб топишини сўраб даъво аризаси киритади. Иш ҳар томонлама холис кўриб чиқилиб, 2000 йил 21 декабрдаги суд қарори билан бу ноқонуний ҳадя шартномаси ҳақиқий эмас деб топилади .

Шундан сўнг Тошкент шаҳар судига Олга Шашурина кассация шикояти бергач, Мирзо Улуғбек туман судининг қарори бекор қилиниб, иш қайтадан кўриб чиқишга юборилади. Ишга доир бир неча янги далилий ҳужжатлар тўпланади (хатимга улардан илова қиламан). Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2001 йил 29 ноябрда мазкур ҳадя шартномасини яна ҳақиқий эмас деб қарор чиқаради, иш М. Петровна фойдасига ҳал бўлади.

2001 йил 1 декабрда онам оғир хасталик ва айтиш мумкинки, маънавий изтироблар туфайли оламдан ўтди. Лекин бевисининг дафн маросимига ҳам келмаган Ольга Шашурина суднинг адолатли қарорини бекор қилиш йўлларини излашда давом этди.

Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича апеляция коллегиясининг 2002 йил 14 март қарорида туман судининг 2002 йил 29 ноябрь куни чиқарган қарори ўз кучида қолдирилиб, прокурор ёрдамчиси И. Р. Бабаян киритган протести ва Ольга Шашуринанинг шикояти қисман қаноатлантирилди, хусусан, "Фуқаролик кодекси"нинг 507-моддаси мазмуни (бировнинг ҳаётига таҳдид қилиш) қарордан олиб ташланди.

Онам Мария Шашуринанинг қазо қилганига ҳам бир йил ўтиб қолди, аммо О. Шашурина ҳамон тинч тургани йўқ. У низоли уй-жойда туриш учун мустақил ҳақ-ҳуқуқи борлигини белгили қилиш мақсадида менинг устимдан даъво қилиб судга мурожаат этди. Унда шунингдек, онамнинг менга берган васиятини бекор топишни сўраган, ўзининг набира сифатида меросга ҳақи борлигини важ кўрсатиб, онамнинг уйини ўз номига расмийлаштирилиши ҳаракатида бўлган. О. Шашурина ҳадя шартномаси асосида онам ҳамда укам Г. Шашуриннинг розилигисиз онамнинг уйига рўйхатга кириб олганлиги сабабли уни онамнинг номидаги уйдан чиқариб юбориш учун қарши даъво билан судга ариза киритдим.

Ольга Шашурина онамнинг уйини ўзига олиш мақсадида судлашиш, иш қўзғаш учун ҳаракат қилаверди ва бунга муваффақ бўлди. Натижада Тошкент шаҳар прокурори М. И. Наимов киритган протест Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича Раёсатининг 2002 йил 15 ноябрдаги қарори билан қаноатлантирилди. Шуниси ажабланарлики, Раесат қарори ва прокурор Наимов киритган протест бир-бирига сўзма-сўз мос келиб турибди. Қарорда иш бўйича бошқа кўрсатмалар акс этмаган, мен ва двокатимнинг чиқишлари кўрсатилмаган, мен кўрсатган қўшимча далиллар тилга олинмаган. Раёсат иши давомида менга ва адвокатимга ўз сўзларимизни охиригача айтиш имкони берилмади. У номигагина бўлиб ўтаётгандай, худди қарор аввалдан қабул қилиб қўйилгандай эди.

Бошқа гувоҳларнинг гувоҳликларига мунеосабатни-ку қўя турай, у ерда ҳатто онамнинг кўрсатмалари ҳам ўқиб эшиттирилмади. (Шикоят муаллифи ушбу ўринда ҳадя шартномасини сохталиги, унда кўп хато ва камчиликлар борлиги расмийлаштириш ҳужжатларида қонунга зид, яъни тузатилган ўринлар учрашини исботлашга қаратилган далил, М. Петровнанинг шартномани имзолаш пайтидаги касаллик ҳолати (қонда қанд моддасининг 22, даражага чиқиб кетиши), уни йигирма йилча даволаган врач кўрсатмалари ва бошқа шу каби ишга доир бир неча гувоҳлик кўрсатмалари, далиллар келтириб ўтган — Таҳририят).

Хуллас, Раёсат томонидан чиқарилган қарор сохта ҳадя шартномасини қайта кучга киритди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази масъул кишиларнинг ҳуқуқий маслаҳати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судига икки марта мурожаат этдим. Биринчи хатимга суд коллегияси раиси А. Т. Бабақулов имзоси билан (1.04.2003) жавоб хати олдим. Иккинчи бор Олий суд раиси ўринбосари Бахтиёр Жамоловга 2003 йил 11 апрелда учрашиб, иккинчи аризани киритдим. Олий судга ёзган бу аризамга фуқаролик ишлари бўйича суд коллегаси раиси Ф. А. Абдуазимов имзоси билан 2003 йил 13 июнда жавоб олдим. Хуллас, мазкур иш яна қайта кўриб чиқиш учун Мирзо Улуғбек туман судига юборилди.



Элликқалъа туманида Ал Хоразмий номидаги хўжаликда маданий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилган.
Суратда: Мактаб ўқувчилари Хоразмий ёдгорлигини зиёрат қилишмоқда (Тулдурсун қишлоғи)

Шикоят

Туман-шаҳар судлари орасида оворагарчиликлар, бир неча бор бўлиб ўтаётган суд жараёнларига сўнгги нуқта қўйилишини истардик. Бу чигал, узлуксиз суд иши тугамаётгани, мутахассислар айтганидек, "Фуқаролик кодекси"нинг 351-моддасига биноан онам оламдан ўтиши билан тўхталиши керак бўлган бу иш давом этаётгани, нотўғри, ноқонуний қарор чиқаётгани наҳотки ҳеч кимни ажаблантирмаса?!

Ольга Шашурина судларда уйи йўқлиги, икки нафар фарзанди, эри билан борадиган бошқа жойи қолмаганлигини айтади. Лекин кишиларнинг уй-жойи йўқлиги бировнинг уйини ноқонуний равишда ўзлаштиришга асос бўлолмайди-ку.

Биз усиз одамларни уй билан таъминлаш имконияда ҳам эмасмиз-ку?! Қолаверса, у бу ерга кўчиб келишидан олдин онасининг Сирғали туманидаги уйида ўз оиласини рўйхатда тураради (бу ҳақдаги маълумотни ҳам илова қиламан).

Ҳурматли таҳририят!

Сунъий равишда чигаллаштирилган бу ишда адолатнинг қарор топишидан марҳума онамизнинг руҳи ҳам тинч бўлган бўлур эди. Мен бу ишга дахлдор барча масъул шахслардан онамнинг руҳини ҳадеб безовта этмасликларини қаттиқ илтимос қилган бўлур эдим.

Бу ишга сўнгги нуқта қўйишга балки таҳририят ёрдам берар деб умид билан жавоб кутиб қоламан.

Хатда тилга олинган ва бошқа зарур ҳужжатлар кўчирма нусхаларини илова қиламан.

Ҳурмат билан
Владимир Шашурин.

Шунингдек, шикоят хатида уй Владимирга васият қилингани, ҳар гал йилига бир мартача келадиган О. Шашуринанинг 20 йил ўтиб бувисининг уйига ҳол-аҳвол сўраб кўпроқ келиб-кетиб тура бошлаши, М. Петровнанинг сохта ҳужжат пайдо бўлишидан олдинги ва кейинги беморлик ҳолатларидаги унга бўлган муносабатлар, Ольганинг М. Петровна уйида яшаши ва бошқа шу каби тафсилотлар келтирилган — Таҳририят).

*** Рус тилида ёзилган ушбу шикоят аризаси мазмунан қисқартирилган ҳолда берилмоқда.**

Акс садо

ФОЛБИН ҲАМ ИРИБГАР

«Миллий тикланиш» газетасининг 2003 йил 19 август сонида берилган Гулора Исмоилованинг «Афсун» номли шикоят мактуби қўлимга қалам олишга ундади.

Бир куни зиёли аёллар билан бир ҳамкасабамникига тўйга бормоқчи бўлдик. Тўйхона яқинида йиғила бошладик. Йўлда бораркамиз, ҳамроҳларимиздан бири «Анави мошинага суяниб турган икки аёлга қаранг, чап томондагиси фолбин» деди. Қарасам, замонавий кийинган 30-35 ёшдаги аёл. Мен дугонамдан сўрадим: «Сиз у фолбинни қаёқдан биласиз? У тўйга таклиф этилганми?»

Тенгқур аёллар билан гоҳо суҳбатлашганимда «келиним (укамнинг хотини) ойимни ҳам, бизни ҳам укамга ёмон кўрсатиб қўйган, унинг илму амалини қайтариб келишим керак» қабилидаги гапларни эшитиб қоламан. Мен дарҳол уларнинг фикрларини тўғирлашга ҳаракат қиламан. Лекин бундай қисқа суҳбатлар ёрдамида кишиларни фирибгарлардан қайтара оламиз, деб айтолмайман. Аёлларимиз аянчли ҳолга тушмасликлари учун афсун ва унинг оқибати ҳақида тез-тез матбуот орқали фикр-мулоҳаза юритишимиз, ўрни келганда мутахассислар, дин пешволарининг ҳам бу хусусдаги чиқишлари билан танишиб боришимиз керак деб ўйлайман. Мактубда суд ишлари ҳақида ҳам ёзилибди. Ўйлайманки, газета бу борада албатта ўз ўқувчиларига зарур кўмак бера олади.

Қолаверса, биз қураётган давлатда адолат устувор бўлишида, Ватанимизнинг равнақ топишида суд, ҳуқуқ, адлия ходимларининг роли жуда катта. Жонидан алам ўтган, хўрланган бир аёл ва учта нораснинг тақдири билан боғлиқ бу ишни кўрган адолатли суд ходимлари ота бўлмишга ўзининг уч фарзандини ҳам тарбиялаб, едириб-ичириб, уйли-жойли қилиш шартлигини тушунтирсалар, тўғри йўл кўрсатсалар, ажаб эмас.

Фолбинга ишонибми, мажбур бўлибми, болаларингизнинг отаси олдида тиз чўкмасдан аввалроқ ҳозирги қатъиятингизни қўллаганингизда балки бошқачароқ бўлармиди, деб ўйлаб қолдим. Шу билан бирга, қийналиб, не-не хаёлларга бориб бўлса ҳам ўз дардингизни ёзганингиз учун раҳмат айтмоқчиман, чунки бу мақолада кўтарилган масалалар, менимча, бир-биридан долзарбдир. Ахир эл-юрт фарзандларини оналар вояга етказадилар.

Парида НУРМАТОВА

Тарих — ибрат

ҒОЗҒОН МАРМАРИ

Тоштарошлик (сангтарошлик) ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий-маънавий қадриятларимизнинг бир қисмидир. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ёки Шахрисабз каби қадим шаҳарларнинг қай биридаги тарихий обидалар билан танишмайлик, ўзига хос мармар ашёлар намуналарини кўрамиз.

Айниқса, Ғозғон усталари томонидан ясалган мармар ашёлари гўзал санъат асари сифатида диққатингизни тортади. Ғозғон ва Ғозғон мармари ҳақида "Зафарнома", "Абдулланома", "Бобурнома" каби тарихий манбаларда ҳам муҳим маълумотлар берилган. Уларда айтилишича, қадим-қадимдан дид билан нақшланган, байтлар, ҳикматли сўзлар ўйиб битилган сержило Ғозғон мармари товоқлари харидоргирлиги билан ҳамиша эътиборда бўлган. Ўтмишда бундай ашёлар энг оддий — ибтидоий асбоблар: теша, темирқалам, қайроқ ва қум тош, намат ва ипак матолар билан фақат қўл кучи васитасида ишланган. Ниҳоятда машаққатли ва диққатталаб иш бўлса-да, усталар бор маҳоратини ишга солиб, ота-боболари санъатини давом эттирганлар. Айтишларича, мармар товоқларнинг қадр-қиймати уларнинг турли микроблар ва зарарли унсурларга акс таъсири билан баҳоланган. Шу сабабли Бухоро амирлари саройида олтин, кумуш идишлар билан бир қаторда мармар товоқларга ҳам жиддий қарашган.

Бухородаги Арк ва Ситораи Моҳи хосса музейларида ҳозирга қадар тўрт юздан ортиқ мармар товоқлар мавжуд бўлганлиги фикримизнинг далилидир. Улардан бирида қуйидаги байтни ўқиймиз:

Табаррук ин табақи санги мармар
Чу бехтар аст табақи Чину Қашқар.
Табарук бувадашаз баҳри он аст,
Кис асли конашон дар бари Ҳайдар.

Сўзма-сўз маъноси:

Табаррукдир бу мармар лаган,
Чину Қашқар чиннисидан ҳам.
Муқаддасдир бу сабаб билсанг,
Асли кони Ҳайдар сеҳридан.

Шунингдек, мармар товоқларда ҳикматли сўзлар, улуғ мутафаккирларнинг тафаккур дурдоналари ҳам санъаткорлик билан жило топган. Товоқларнинг бирида арабча: "Шарфул инсонил бил илму вал абадий ло бил моли насаб", яъни: "инсоннинг шарафи ва ҳурмати унинг мансаби ва молу дунёси билан эмас, илму одоби билан ўлчанади" деб ёзилган.

Демак, бундан товоқсоз усталар илмда ҳам, тафаккурда ҳам муайян даражага эришганликлари, юксак заковат эгалари эканлиги англашилади. Афсуски, бу усталарнинг номлари кимлиги ҳозирча номаълум бўлиб қолаётир. Айримларига "амали уста Абдураҳим" деб битилган, холос.

Машҳур тожик олими, академик А. Мухторовнинг "Санги диле дорад" китоби билан танишган киши "тошларда ҳам қалб бор", деган ифода тўғрисида ўйлаб қолади. Марказий Осиё ва Қозоғистон мамлакатларини кезиб қадимий қабристонларда ги ёдгорлик тошлари, ундаги ёзувлар ва саналарни ўрганиш борасида улкан ишларни амалга оширган олим ўтмишдан етиб келган ҳар бир ёдгорлик тошини хоҳ у қабрга қўйилган бўлсин, хоҳ бинога ўрнатилган бўлсин, хоҳ алоҳида бўлсин авайлаш, эъзозлаш ва авлодларга етказиш муҳим вазифа эканлигини қайд қилиб ўтади.

Ғозғон қишлоғидаги клуб олдида мармар ҳовузга ўрнатилган ноёб мармар санъат асари — "Аждарҳо" ва "Наҳанг" ҳайкаллари бор. Лекин афсуски айни кунда улар хароба ҳолига келаётганлиги ачинарлидир. Улуғ уста Абдураҳим Муҳандис меҳнати билан зийнатланган бу ҳайкаллар очиқ-сочиқда, иссиқ-совуқда чатнаб ётибди. Худди шундай манзарани атоқли ҳайкалтарош Туркман Эсоновнинг "Чўпон бобо" ҳайкали тақдири мисолида ҳам кўриш мумкин. "Аждарҳо" ва "Наҳанг" ҳамда "Чўпон бобо" ҳайкалларининг бу хил манзараси, албатта, ҳар биримизни ўйлантиради.

Қўшработ тумани Жўш қишлоғи Кўктош ота қабристонида Маҳмуд Ғозғонийнинг ижодига мансуб ушбу байтлар бор:

Оламки дар у саботи кам бебинам,
Дар ҳар тарафаш ҳазор ғам бебинам.
Ин кўҳна работ ҳастки ва ҳар тарафаш,
Роҳи биёбони алам бебинам.

Мазмуни:

Бу оламда сабр, сабот абадийликни кўрмадим.
Теграсин ўраган юз минг дард, ғам кўрдим.
Бу кўҳна работки ҳар томонда, йўқлик биёбони-сўқмоғи алам кўрдим.

Ғозғон қишлоқ қабристонидаги қадимги қабр тошларидан бирида ёзилган битик ҳам кишини ўйга толдиради:

Ба дунё дил набадан, ҳар ки мард аст,
Ки дунё сар басар андуҳу ғам аст.
Ба гўристон гузар кўк то бу бубини,
Ки даврон бо ҳарифонаш чи кардаст.

Мазмуни:
Дунё бойлигига бойланма эй мард,
Жаҳон тўла андуҳ, жаҳон тўла дард.
Мозорга кўз ташла мени кўрасан,



Оғирлиги ярим тонна бўлган тош қозон. уни Бухоро амири (Олимхон) Ситораи Моҳи Хосса ёзги саройи ҳовузига фонтан ўрнатиш учун ясаттирган. Бу ёдгорлик инқилобдан кейин ҳам шу ерда сақланиб қолган. Ўша пайтда бундай қозонларнинг учтаси олиб кетилган ва улар тақдири номаълумлигича қолган.

Даврон ҳарифига қандай қўйган шарт.

Бундай санъат намуналари, тошлардаги битиклар замирида улкан бир тарих бор. Ҳалигача ҳеч ким деярли шуғулланмаган бу нодир ва бебаҳо асарлар ва уларнинг тақдири, бу ноёб дурдоналарни келажак авлодга ектказиш ҳақида қайғуришимиз зарур, албатта. Ўзбек сангтарошлиги илмий тадқиқини кутаётган бир хазинадир. Бу нозик санъатнинг буюк намуналари Ҳиндистоннинг Тожмаҳалида, Самарқанддаги Регистон, Бухоро, Қўқон шаҳарларида ва ҳатто Санкт-Петербург, Москва, Париж шаҳарларидаги музейларда сақланмоқда, уларни фақат ўрганиш ва тадқиқот ишлари орқали рўёбга чиқариш вақти аллақачон етган.

Сангтарошлик — игна билан қудуқ қазишдек машаққатли касб. Аммо ана шу машаққат орқали ажиб санъат намуналари яратилади. "Тошда гул ундириш" деган нақл ҳам шундан келиб чиққан бўлса не ажаб.

Ҳақиқатда эса мармар буюмларни турли нақш, орнамент ва шакллар билан безаш боболардан қолган меросдир. Қадимий мармар буюмларда масалан, сандалтош, нонтош, тошновлар, мармар товоқ, қабр тошлар каби мармарий ашёлар атрофи "гандумак", "чингила", "шох", "шох бўта" ва турли ўсимликсимон нақшлар билан безатилган, айниқса тошда ислими нақшларнинг чизилиши жуда эътиборлидир. Қадимги усталар кўпроқ геометрик нақшлар чизишда ҳам ўз маҳоратларини ҳам кўрсата олганлар. Масалан, Ғозғондаги Шоҳимардон масжиди тошдан қурилган бўлиб, унда умуман ёғоч ишлатилмаган. Бино ичидаги устунлар, ярим устунлар, пойдевор ва тепа деворлар ҳаммаси тошдан қилинган. Айтишларига қараганда, Шоҳимардон масжиди дарвозаси ҳам, остона ва болодариси ҳам тошдан экан. Йиллар ўтиши билан бу буюмлар йўқолиб кетган, ҳозир ўрни бор, холос. Панжара ойналар ҳам мармар тошдан бўлган. Ҳозир ойна мармар панжараларни Хўжа Баҳоуддин ва Абдуҳолиқ Ғиждувоний мақбараларида кўришимиз мумкин.

Шоҳимардон масжиди девори атрофига мармар тошларда Қуръон суралари, ҳадислардан намуналар ёзилган, унинг атрофи чиройли қилиб безатилган. Ҳарфлар араб алифбосининг сулс усулида, ниҳоятда маҳорат ва билимдонлик билан ёзилган. Ана шундай мармар лавҳалар Нурота чашмасида Хўжа Ҳасан Нурий қабрида, Карманадаги Қосим Шайх мақбарасидаги Амир Аҳадхон қабрида қўйилган. Бу лавҳаларда марсия, дунёнинг бебаҳолиги ва бошқа доно сўзлар ўйиб ёзилган. Азалдан тошларда байтлар, ҳикматли сўзлар ёзиш анъана бўлганлиги кузатилади. Шу боис мармар идишларда шеърий лавҳалар, ҳикматли Қуръон суралари ўйиб ёзилганки, улар ўз шаклини ҳозиргача йўқотмаган.

Ҳозирги кунда санъатнинг бу туридан сабоқ бериш учун Нурота туман ҳунар мактабида сангтарошлик касби, 6-сонли мактабда тоштарошлик тўгараклари очилган. Бироқ бир тўгарак доирасида чуқур малакага эга бўлиш қийинлигиданми, уларни битирганлар ҳозирча бирор нарса ясай олишмаган. Лекин шундай бўлса-да, улар келажакда бунинг уддасидан чиқишади, аждодлар ишини давом эттиришади, деб умид қиламиз.

Бугунги кунда Ғозғон мармар конида йирик тош кесадиган Италия — Корея станоклари ўрнатилган, бу технологиялар ёрдамида мармарни истаган шаклда ёки қалинликда кесиш мумкин, бу ерда турли шаклдаги буюмларни ҳам ясай оладилар. Ўзбек мармарига талаб юқорилигидан нафақат бизнинг, балки хорижий мамлакатлардан ҳам катта хусусий корхоналар бу буюртмаларни тўла бажариш потенциали ва имкониятига эга эмас. Агар хорижий технологиялар етарлича олиб ўрнатилса, бундай шароит ва имкониятлар юзага келган бўлур эди.

Ғозғон тоштарошлик санъати анъаналарини авайлаш, бойитиш, мўъжизакор сангтарошлар, қўли гул усталар қолдирган маданий меросимизни чуқур ўрганиш, уни ривожлантириш, бугунги кун авлодининг ҳам бурчидир.

Гулора АБДУЛЛАЕВА,
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти аспиранти

* Шеърлар Ғозғонлик ўқитувчи Раҳмон Асадов эркин таржимасидан

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎРГАНАМИЗ

Республикамизда кейинги йигирма йил ичида чет элликлар учун ўзбек тилини чуқурроқ ўрганишга мўлжалланган жуда кўп китоблар нашр этилди. Уларнинг ҳар бири у ёки бу жиҳати билан бир-биридан ажралиб, бир-бирини тўлдириб туради. Туркия ва Жанубий Корея мамлакатларида ўзбек тилидан сабоқ бериб келаётган тажрибали олим Бердак Юсуфнинг "Ўзбек тилини ўрганамиз" қўлланмаси ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Китоб ўзбек тилини энди ўрганаётган ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, у йигирма дарсдан иборат. Илгариги дарсликларда кўпроқ грамматикага урғу берилган бўлса, ушбу қўлланмада оғзаки нутқни ривожлантиришга асосий эътибор қаратилган.

Муаллиф ўқувчининг оғзаки нутқини ўстириш мақсадида кундалик ҳаётда тез-тез учрайдиган суҳбат, диалоглардан унумли фойдаланган. Ундан Ўзбекистонга келган чет элликлар ўзбеклар ҳаётига оид зарур маълумотларни ҳам оладилар. Ҳар бир дарс уч қисмдан иборат: ҳаётий лавҳалар асосида тузилган матн; грамматик маълумот; машқлар. Масалан, ўн тўртинчи дарсда аввал дам олиш, байрам, инглиз тилига оид матнлар берилган. Сўнгра келмоқ, ўқимоқ феълларининг шарт майлидаги туслониши кўрсатилади. Ушбу дарсни мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчига тўртта машқ берилган. Муаллиф ўқувчини ўзбек тилига қизиқишини кучайтириш мақсадида дарсларни хилма-хил тузган. Китоб охиридаги ўзбекча-инглизча мухтасар луғат ўқувчи сўз бойлигини оширишига ёрдам беради. Ушбу қўлланманинг келгусидаги нашрлари учун қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларимизни билдирмоқчи эдик.

Қўлланмада и унлиси икки, уни, ёзди, келди сўзларида юмшоқ, қиш, ёлғиз сўзларида қаттиқ талаффуз қилинади деб тушунтирилади. Ўрта аср ўзбек луғатшуноси Толи Ҳиравий биринчи гуруҳ сўзларда и унлиси тўлиқ, иккинчи гуруҳ сўзларда қисқа талаффуз қилинади деб ёзиб қолдирган. Биз "Бадойи-ул-луғат" тузувчиси фикрига қўшиламиз. Сабаби ўзбек тилида қаттиқлик-юмшоқлик йўқ.

Шунингдек, китобда латифалар билан бирга ўзбеклар менталитетини чуқурроқ очиб берувчи мақол ва ҳикматли сўзлар берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ўйлаймизки, бундай қўшимча ўзгартишлар билан қўлланманинг аҳамияти янада ошади.

Эргаш УМАРОВ

ЧЎПИЙ ДОМЛАНИНГ «ОЛДИ-ҚОЧДИ» ТУРУНТЛАРИ

«Чўпий почтаси»дан

МОЯНА

Ёки «тошмасин деб ташияпман»



Шу десангиз, Чўпий домлажон, нима кўп, катталарнинг машмашаси кўп. Айниқса, маош машмашасига келадигани йўқ. Одамларгаям ҳайронсан, маошни бергунча шошилишади. Ахир олмасанг ўзидан кўпаяди-ю! Бирини олган қайдаю, бефоиз бўлса ҳам тўрт маошни олган қайда?! Шундай экан, қаёқдаги хазинага боққандай моянага мўлтираб ўтириш шарт эмас-да. Хуллас...

Шу маош деганни бергандан бермагани яхши экан. Хўш, нега дейсизми? Қараб турсам, арзимаган моянанинг машмашаси бир хум тиллага арзийди-ей, «ҳай хотин, ман маош олдим, тилло топганим йўқ!» дейсан афтинг бир сўмликдай ғижимланганча. Ўзи шу машмаша деган сўз асли маош деган сўздан келиб чиққан-ов, қаранг, маош ҳам бир, машмаша ҳам. Бу ёғи, бир бошга бир маош дегандай, нечта боланг бўлса, ишхонанинг сониям шунчага ортади.

Тунов туғруқхона олдидан ўтаётсам, деразага қараб эр хотинига бақиряпти:

— Хотин, болалар, йўғе, ишхоналар сони биттага ортдими?

Хотини жим.

— Нимага индамаяпсан, айтавер, ҳа энди ўрганиб қолдик. Ё... ҳали эртароқмикин?

Бир пас кўринмай кетган хотини яна дераза олдида Фотма Зуҳрами, эгизаклар билан пайдо бўлди.

— Вуй хотинжон, бу нима қилганинг?

Эркакнинг тутақишидан осони йўқ, ранги-қути ўчди-қўйди:

— Нима, мени доллар ишлагани юбормоқчимисан?! Э-э, кетсам кетганим бўлсин! Қайтанга туғмай ўтирасан!..

Ҳа ана, буни олдинроқ ўйлаш керак эди. Ана энди эгизак маошларнинг машмашаси бошланади, олмасанг кутими, олсанг чиқими чатоқ. Айтинг-айтинг, маошсиз ҳам ойига ойдай қилиб юз минглаб ва ё балким ундан кўп устама топувчиларни айтинг. Минг раҳмат шуларга, ҳарна биздай ўзи камчиқимларни маошни вақтида олишу уни сарфлаш машмашасидан фориғ қилиб туришади. Уч-тўрт ойлаб бунақа машмашалар билан ўзлари шуғулланишади, барака топкурлар, элга билдиришмайди, одамларни ўйлашади-да. Элни пулдан юкини енгил қилишади, ўзлари долларларнинг тагида қолишса ҳам, «белим» дейишмайди-ей. Ҳамма маошинг падаригаям минг раҳмате! Элни деган шундайларни катта қилгани учун. Шунча пулнинг чиқимига чидаганини айтмайсизми?!

Ахир киримга яраша чиқим бўлади-да! Шундай экан, элдан доноси йўқ азизим, эҳ қўй шу маош машмашасини! Ана, кирим ҳам йўқ, чиқим ҳам. Фариштадайсан. Бола-чақа қилмасанг ҳам бўлади! Илло, бир бошга бир маош, иккита бўлса ҳам унчалик фарқи йўқ, икки ёрти бир бутун дегандай-а. Гўшт-пўш деганга ҳинд биродарларга ўхшаб муомалада бўлу одатдагидай тушликни тежасанг бас, бемалол бутуни бир бошга кафил. Уйинг бўлса, албатта! Бу ёғи, шу пайтгача олганга — уй, олмаганга ҳамма ёқ — уй. Тўғри-да, ҳамма маош билан андармон бу замонда ҳеч кимга ортиқча машмашанинг кераги йўқ.

Ҳа айтмоқчи, магар уйинг бўлса, иссиқ сув, совуқ сув, газ-пазга ҳисоблагич ўрнатишнинг бир маъқул жойи борлигини унутма. Локин, бунақа ҳисобли ўт-сувдан зинҳор фойдаланма! Кўрқма, ўт-сувсиз қолмайсан, беҳисобидан қидирса топилади. Илло, ота-бобонгни уйидан сув чиққан эмас! Ва ё қувурда ўт келмаган! Сен ҳам жонон пақирни кўтариб, ана, сувтекинлардан олиб кел. Нима кўп, водопровод қувурларининг бузуқ жойи кўп. Очиғидан дейсанми, ёпиғидан дейсанми, топилади. Кўчакўйларда гоҳ ариқларга уланиб шарқираб ётганларидан бирини белгили қилиб қўй, тамом. Излайверсанг, ҳа айтгандай, анов куни қайсидир ётоқхонада шу сув балосидан ҳожатхонага ҳеч ким киролмаса де. Ўзиям ичар сув туридан экан-да. Эссиз, ахийри увол кетди — сув ҳам, ҳожатхона ҳам... Хуллас, унисига ундан, бунисига бундан дегандай олиб келаверасан. Ташвиш чекма, унақа беҳисоб жойларда «шчўтчик-пшотчик» дегани бўлмайди. Тўғри-да, билъакс, буни пулини ким тўлайди?! Ҳа энди, эгаси кўринмаган, қуруқ сув чиқаётган жойни жаримакашлар ҳам кўравермайди. Магар пақирни кўрганларга «тошмасин деб ташияпман» дейсан, гап тамом. Шошганча кетаверасан. Сувниям, сениям ҳеч ким тўхтатмайди. Бу ёқда топармонлар тошмасин деб «қуруғи»ни ташияпти-ю, сувга ўйланасанми?! Бемалол хазина топган кишидай пақирпақир қатнайвер, э савобига қоласан. Қоловурса, на эскичада, на янгичада «ўт ўғриси, сув ўғриси» деб қўйган жойи йўқ. Хотиржам бўл, ийманга дарз кетмайди, ғуж-ғуж савоб. Нима қипти, бу ҳам бир иш — бу мояна. Тирикчиликнинг айби йўқ, демиш аҳли машойих. Билъакс, ўтсувнинг ўзига бир ишхоналик маошни тўкис тўлаб келардингиз-да, мен айтмасам.

Ана энди, энг муҳими, яъни ҳаммом масаласига келадиган бўлсак, аслида буниям ҳеч нозик жойи йўқ, мен сизга айтсам. Нима, душ, ванна бўлмаган замонларда одамлар бурқсиб ўтган эканми?! Қоловурса, айни замонда баъзан автобусда баъзиларнинг ёнида туролмай кўргандирсиз: «Нима бало, ваннасига «самогон» солиб қўйганми? Уфф, «самогон» бўп кетей!» — дейсиз ичингизда. Ўзига секингина бир қизиқчи айтганидай, «ҳаммомга тушсангиз ўласизми?! — дегинг келади. «Ишқилиб, мен тарафдан қўлини кўтармасин-да!» Кўтариб қолса, урди худо, манзилга етгунча бир «самогон»нинг атрофида гирдикапалак бўлаверасиз. ундан кўра тоза ҳавода йўлкирасиз яёв юрган кунларингиздан айланишга рози бўлиб кетасиз. Илло, буни «ўзи бир маошлик автобус» дейдилар, бепул, баҳаво хизмат машинаси эмас.

Лаббай, бир нима дедиларми? Ҳа, сув қиздириш масаласини айтяптиларми? Ие, тўрт-беш йилдан бери ҳалиям ҳар қанақа уйга ўчоқбоши қилмаган бўлсалар, ўзидан кўрсинлар. Эҳ, «домнапеч» қилиб қўймайсизми?! «Коммуналчи»ларнинг сувдай ваъдасига учганлар гоҳ у газетда, гоҳ бу газетда «совқотяпмиз» дейишдан ва ё телевизорда қалтираб туришдан нарига ўтмайди, ким сизга айтса ҳам. Ундан кўра ҳамма ёқни бурқситиб бўлса ҳам ўчоқбоши қилинг, газет ҳам қутулади, телевизор ҳам! Мабодо, излаганда тополмайдиганларингиз «нима гап?» деб келиб қолишса, айтарсиз «исиняпмиз» ва ё «сув қиздиряпмиз» ёким «шўрва қайнатяпмиз» деб. «Исириқ тутаяпмиз» десангиз ҳам бўлаверади. Ҳар ҳолда, «совқотяпмиз» деган шу совуқ гапни айтгунча ҳар қандай қулоққа ёқадиган шунақа иссиқ гапларни айтган яхши эмасми?! Ахир бу «муаммо йўқ» дегани-ку!

Ана шунақа, ота-бобонг қилган ишни қилишда гап кўп, хосият бисёр. Лекин фақат битта жойига эрхотин иковлашиб эҳтиёт бўлинса бас. Яъни, илло-билло, болалар, йўғе, ишхоналар сони болалаб кетмасин. Кеча-кундуз у ишхонама—бу ишхона зинғиллаб тағин болаларингиз сизни, сиз болаларингизни танимай қолманг, бегоналашиб кетасиз-а. Доллар ишлагани чиққан эсангиз, ана унда умуман кўрмайсиз, танимайсиз ҳам. Фалон йилда тўй куни никоҳга келасиз:

— Хотин, бу-у, келин бизданми ё куёв? — деб секин сўрайсиз.

Анов куни бекатда эрини кузатаётган бир аёл унга ийманиброқ деди:

— Кечқурунга бир бош ҳусайни ола келинг.

Олдин «хўп-хўп» деган эр бирдан ҳушёр тортди:

— Ҳмм, тинчликми ишқилиб?

— Жаҳлингиз чиқмасин-а, болаларингиз яна кўпайишамиз дейишяпти...

— Нималар деяпсан? Ахир оилани режалаштириш аёллар кампаниясида қатнашаётган эдинг-ку?! Нима жин урди? Буни бир йил олдин келишган бўлсак.

— Билмасам.

— Сан билмасанг, ман билайми?..

Уларни яна бирми-иккими маош машмашасида қолганини англаб нари кетдим. Илло, ҳар кимнинг машмашаси ўзига етади. Бу ёғи, ҳадемай қиш ойна-эшик қоқиб турибди. Ота-бобомиздан қолган ўчоқбошида оилавий исиниб ўтиришга нима етсин?! Оилавий эрмак учун бир қоп маккажўхори олиб қўйилса бас!.. Ҳар қандай машмаша ўз-ўзидан барҳам топади. Полапонлар ҳам бодроқдай бодраб ўсаверишади. Қиш ўтгунча болаларимиз қўйса шу мактабни қўя турар. А, нима дединг?..

Дуойи салом билан:
КАТТАҚИЗИҚ

КИМЎЗАР

"Кимўзар"да ким ўзар,
Ўзганга нима тортиқ?
У паловдан бу палов,
Наҳот нон нондан ортиқ?

"Кимўзар"да ким ўзар,
Элга нима билинур?
Қай тарафдан фойдаси
Манаман деб кўринур?

Қанийкин бунда бирор
Жўяли маъни-мантиқ?
Чўпча наф кўрган-ку йўқ,
Ҳай-ҳай зиёни ортиқ.

"Кимўзарга" пул тикар
Тўккандай қўлни кирин.
Тополмассан бир умр
Тўксанг пешона терин.

Қанча муаммо бўлса
Бунда шунча ноз-неъмат.
Ажаб, кимга нон, кимга
"Кимўзар"лар ғанимат.

"Кимўзар"да ким ўзар
Кимдан мағлуб қолгани?
Ўзар энг кўп егану
Энг кўп пора олгани...

Эл киби меҳнат қилса
Мундоқ тўйни туш кўрмас.
Пул демоқни билару
Меҳнатини хуш кўрмас.

Кимдир кунда бир енгил
Таомни зўрға эплар.
Бунда "очил дастурхон"
Ҳамма таомни тўплар.

Юрт дерлар, Ватан дерлар,
Ким не ўйда фикр қил.
Кимки "кимўзар" қилди
Бешак бир юртпуруш бил.

Эл ташвишин кўрмаган
Ватанни кўрармиди.
Йўқса, элнинг пулига
"Кимўзар" қилармиди?!

"Кимўзар"да турганни
Ортда қолур иймони.
Йўқолиб бораверар
Одамийлик нишони.

Ҳажвий материаллар
муаллифи Узро

Сиз ҳам иштирок этинг! — "МТ" луғати

"ЭПИДЕМИЯ"НИНГ ЎЗБЕКЧАСИ НИМА?

Ёки халқ ичида қандай сўзларимиз бор?

Ўзбек тили энг кўп шеваларга эга тиллардан биридир. Бу шеваларимизнинг бир қисми тадқиқ қилинган бўлса-да, уларнинг ҳали илмий ўрганилмаган тил бойликлари беҳисобдир. Ҳозирги адабий тилимизда қўлланилмайдиган, фақат шеваларда учрайдиган кўплаб сўзлар ҳали ёзиб олинмаган.

Аслида шевага оид сўзларни шу соҳа мутахассислари — диалектологлар махсус ҳарфлар билан ёзиб олиб ўрганишади. Бугунги кунда ойнаи жаҳон, радионинг кенг оммалашиши, матбуот нашрларида асосан адабий тил нормалари қўлланилиши таъсирида шевалардаги кўплаб сўзлар анчайин унутила бормоқда. Халқ тилига оид тил жавоҳирларини тўплашда мухлислар кўмагидан фойдаланиш, бу сўзларни оммавий ахборот воситаларида бериб бориш миллий тилимизни ривожлантиради, албатта. Шу маънода "МТ" луғати" рукни остида бошланган хайрли иш она тилимизни севувчи мухлисларимизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман. Газетанинг шу йил 18 март сонида эълон қилинган "Олтиннинг пробаси нима дейилади?" мақоласи кўпчиликни қизиқтирган бўлса, ажаб эмас. Кези келганда ушбу мавзуга доир бир-икки мулоҳазаларни билдиришни истардик. Аввало газетада эълон қилинаётган сўзлар иложи борича соф ўзбекча (туркийча) бўлса, она тилимиз жавоҳирларини кўпроқ кашф эта борардик. Чунки ҳамиша ҳам ҳар бир миллат ўз миллий тили софлиги учун курашиши табиийдир. Шу билан бирга, сўзлар берилаётганда қайси манзилдаги шевадан олинганлиги аниқроқ келтирилиши керак. Дейлик, фақат "хоразмча" деб умуман айтиш билан кифояланмасдан қайси туман, қайси қишлоқдан ёзиб олинганлиги қайд қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки ҳатто бир туманда ҳам турли хил шева вакиллари яшаши мумкин.

"МТ" луғати мунтазам бериб борилади, унда кўпчилик иштирок этади, шу тилда сўзлашувчи мухлислар ҳатто битта сўз билан бўлса-да, миллий тилимиз ривожига кўмаклашади деган умиддамиз.

Шу мақсадда биз ҳам қуйида Фориш туманининг Учма қишлоғи жонли сўзлашувидан баъзи сўз намуналарини келтирамиз.

ўткул — кўприкча
ўзанакланмоқ — гирдикапалак бўлмоқ
ўнгкай — фақат, ҳаммаси
чавра — тоғ ён-бағри; теварак-атроф
чопқин — шамол аралаш ёмғир
чўғош — қуёш тушадиган жой
чирпимоқ — учини кесмоқ, чеканка қилмоқ
чекимтош — ўйин тури: асосан қизлар майда думалоқ тошлар билан ўйнайдиган ўйин (Бу ўйинни Кореяда ҳам қизлар ўйнашади ва у конги дейилади)
чем — белги, нишон, погон
чел — бир бўлак ер
чикирмак — паст навли, майда (дарахт ва унинг меваси ҳақида)
чиял — кўк бўз, майда кўк ўт
чангламоқ — чангда ётмоқ (парандалар учун)
чингламоқ — болға билан уриб ўткирламоқ
куз — қуёш нури кам тушадиган томон
қўнголтоқ — этик, махси ва бошқа оёқ кийимини пайтава ёки пайпоқсиз кийиш
қирлик — кўй, эчки каби уй ҳайвонларини жунини қирқиб олишда ишлатиладиган катта қайчи
қўқламоқ — қолган-қутганларини термоқ, йиғиштирмоқ
қулпоқ — ҳовузнинг сув чиқадиган тешиги
қўюнду — қабр
қопоқ — қопонғич
қипчимоқ — яхши маҳкамламоқ, қаттиқ бекилмоқ
қўлаки — хонаки
ғаланг — I. Тошлар қаланиб ётган ер. 2. Жуда кўп, мўл
пак — сал қолса
пидингламоқ — моғор босмоқ

Бердак ЮСУФ,
филология фанлари номзоди

ТЎҒРИ ЯШАГАНГА НИМА ЕТСИН?

БАРОТ ОТАНИНГ ДУРЛАРИ

Бу хонадонда яхши бир одат бор. Оила аъзолари тўй-томоша, байрам, таваллуд кунларидагина эмас, балки оддий кунларда ҳам доимо бирга. Битта дарвозадан кириб чиқишади, бир қозондан овқат ейишади. Йиққан-тиккани ўртада.

— Баъзан болангни қий-чуви ёқмайди. Ёши бир жойга бориб қолган кексаларга ўттиздан ошиқ невара, беш нафар чеваранинг ўй-ташвишлари ортиқчалик қилмайдими? — сўрайман қашқадарёлик Барот ака Музаффаровдан.

— Невара-чевараларим тўрт боламнинг излари, илдизлари. Ундабунда кўчат ўтқазган билан боғ яратиб бўлмайди. Унинг кўрки, ифори сезилмайди. Дарахтлар бир жойда кўкариб, гуркираб турса кўзни қувонтиради. Икки қизим оиласи билан тотув яшашяпти, тез-тез хабар олиб туришади. Икки ўғлим ёнимда. Мен урушнинг оқибати, айриликларини кўрганман. Ўлимнинг айиргани ҳам етар. Кўзим тирик экан, болаларимни дам сайин кўриб турсам, дийдорига тўйсам дейман. Қолаверса, халқимизда "олтовлон ола бўлса, оғзидагин олдирар. Тўртовлон тўда бўлса тепадагин эндирар" деган нақл бор.

— Баъзан ёшларнинг ҳали у ерим, ҳали бу ерим оғрияпти ёки шу бугун ишга, ўқишга бормасам қандай бўларкин, деган гапларини эшитиб қоламиз. Ва бу эринчоқлик гоҳи ўзимизга ёқади ҳам. Бу табиатимизда шу нарса борлигиданми ё...

— Ёшим саксондан ошди. Ҳамон ишлайман. Ишхонам уйга унча узоқ эмас. Ярим соатлик йўл. Ишга пиёда бориб келаман. Дам олиш кунлари, саҳар пайтлари ҳовлида бироз ишлайман. Дарахтларни каллаклаш, тагини юмшатиш, ток кесишдан завқланаман. Бўйрадек жойга гул, кўкатлар экиб қўйдим. Ёз бўйи гуркираб турди. Қараб баҳри-дилинг очилади. Одам дам олишнинг шундай усулларини ҳам билиши керак. Жисмоний ҳаракатдан қон юришади. Оғир ўй-чарчоқдан фориғ бўласан.

Одамни ишдан кўра турли бўлмағур ўй-хаёллар чарчатади. Атрофингдагилар, хонадонинг, оила аъзоларингни авзойи кишига таъсир этмай қолмайди. Яхши кайфият умрни узайтиради. Бу Қарши Давлат университети политалогия ва демократик жамият қуриш кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди Барот Музаффаровнинг ҳаёт ҳикматлари. Улар тўғри яшаш, тўғри иш қилишга кўмаклашади. Ҳарқалай дарднинг аввал шифоси шу тўғри ҳаёт кечиришда. Барот ота билан қирқ беш йил умргузаронлик қилаётган Мунаввара ая Ҳайдарова ҳам бу ҳикматларнинг туб мағзини яхши тушунади. Бир эшикдан кириб, бир дастурхон атрофида туз тотаётганларга ҳаёт ўз ҳикматларини ҳеч қачон дариғ тутмайди.

Дилором ИСМОИЛОВА





Ёш курашчилар
— Албатта чемпион бўламиз!
— Биз ҳам, шундайми дугонажон!

Дўппи сирлари

Миллий либосларимиз гўзаллигини оддий кишилар ҳам, сўз усталари ҳам ҳамон севиб таърифлайдилар. Қизлар атлас кўйлакда, йигитлар бошларида дўппи билан юрса қандай ярашади!

Эсимда, лицейимиз илк ташкил қилинган пайтда йигит-қизлар ироқи дўппи кийиб келишарди. Беихтиёр онамнинг дўппи ҳақидаги сўзларини эслайман. Дўппи нафақат инсонга гўзаллик бағишловчи ёки совуқдан сақловчигина бўлмасдан, балки ўзида уни яратган ота-боболаримизнинг ҳаёт ҳақидаги ўй-фикрларини ифода этувчи санъат асаридир. Масалан, оддий эркаклар дўпписини олайлик. Унинг уч-тўрт нусхали турлари бор. Аввало унинг тўртбурчак шаклда тикилганлиги кийишга ва олиб қўйишга қулай бўлишини ва дунёнинг тўрт томони, осмон фазоси, қуёш фарзанди, абадийлик ва ёруғликни билдирар экан.

Дўппининг юқори қисмида тўрт қирранинг бир нуқтада бирлашиши Оллоҳнинг ягоналигига ишора ҳам дейдилар. Нуқтадан тўрт томонли пирамида ҳосил бўлиб, тўрт томонидан қалампир нусхали гул тасвирланган. Қалампир халқ удумларидаги каби нақш тилида ҳам ёмон кўздан, инсу-жинс, бало-қазолардан асровчи рамз ҳисобланади. Дўппидаги қалампир гулларнинг тўртталиги эса тўрт тарафдан келувчи ёмон кўз ва офатлардан омон сақлайди деган маънони англатади.

Дўппининг пастки қисмидаги қуббаларнинг такрорланиши ислом мазмунига хос қалъаларни эслатади. Қуббаларда ҳам ёмон кўзлардан асраш маъносида кўз гавҳари тасвирланган. Қуббалар тўрт тарафдан келувчи ёвдан ва офатдан ҳимояловчи қалъа, девор маъноларини билдиради.

Ҳозирги кунда эса дўппи баодоблик, мулозамат ва яна ўзбеклигимиз рамзи бўлиб, у кийишга қулай ва муҳими, соғлигимиз учун ҳам яхшигина фойдалидир.

Дилором АБДУЛЛАЕВА,
Республика нафис санъат лицейи ўқувчиси

ОХИРГИ СЎЗ

Етим ўз нонини ейди,
кишининг миннатини
эшитади

Milliy Tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ўткир ҲОШИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Шарифа САЛИМОВА, Ойдин ҲОЖИЕВА, Мунира ҚОРИЕВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Гуландом БОҚИЕВА, Дилором МАТКАРИМОВА
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 926.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда нархи эркин.
Саҳифаловчи: Р.Исмаилова
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Адади: 1842 нусха

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси — 30 уй.
Телефон 144-81-28.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Музаффар АБДУШУКУРОВ

Босишга топширилди 19.30